



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz



АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ ДЎСТЛИК

ҲАМКОРЛИКДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Бугун Ўзбекистон ва Туркия ўртасида мустақам ҳамкорлик шаклланишига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғон ўртасидаги самимий дўстлик ва юксак даражадаги сиёсий ишонч икки мамлакат алоқаларини сифат жиҳатидан янги босқичга – Кенг қамровли стратегик шериклик даражасига олиб чиқди.



Ўзбекистон Президентининг куни кеча Туркияга амалга оширган расмий ташрифи ушбу дўстлик ва шериклик сономасида янги саҳифа очди. Ташриф Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши билан аҳамиятли бўлди. Ушбу

ташриф доирасида имзоланган ҳужжатлар ва келишувлар нафақат иқтисодий кўрсаткичларни яхшилайдиган, балки минтақавий хавфсизлик ва барқарор ривожланиш масалаларида ҳам икки томонлама позицияларни мустақамлайди.

Ўзбекистон–Туркия алоқаларининг ҳуқуқий асоси икки давлат ўртасидаги Абадий дўстлик ва ҳамкорлик шартномаси, шунингдек, кўп қиррали шерикликни кенгайтиришга қаратилган 150 дан зиёд битимдир. Бундан ташқари, давлат раҳбарлари раислигидаги Стратегик шериклик бўйича Олий кен-

гаш, ташқи ишлар вазирлари даражасидаги Қўшма Стратегик режалаштириш гуруҳи, шунингдек, Парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилган.

(Давоми 2-саҳифада.) ➔



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

“БИР ЎЧИБ СЎНИБ... ЯНА ЁНИШ БОР”

XIX аср охири – XX аср бошларига келиб Туркистон ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланиш суръати жиҳатидан Европа давлатларидан яққол оғда қолаётгани аниқлаш бошланди. Саноат, фан ва таълим соҳасидаги бу тафовут маҳаллий зиёли қатлам орасида жиддий мулоҳазаларни келтириб чиқарди. Ўлкада анъанавий мусулмон таълим тизимини янгилаш, Европа илм-фани ютуқларини ўзлаштириш ва уларни амалиётга жорий этиш зарурлиги ҳақида бонг урувчи тараққийпарварлар гуруҳи шаклланди.

Жадид зиёлилари бу ҳолда ёшларни хорижда ўқишга энг мақбул йўл билиб, Европа мамлакатларида илм-фан ва техника соҳасида тажриба эгаллаб жамиятни тараққий эттириш, миллий уйғониш ва эрқоғларини ҳаётга татбиқ этишга мақсад қилдилар.

(Давоми 7-саҳифада.) ➔



АСР ҲАТЛАГАН АСАР

“Ўткан кунлар” форс тилида

Таржима – миллатлар ўртасидаги маданий ва адабий-маърифий алоқаларни таъминлайдиган асосий восита ҳисобланади. У орқали турли халқларнинг илмий ва адабий мероси умуминсоний бойликка айланиб боради. Бошқача қилиб айтганда, таржима бир жамиятнинг тафаккури, дунёқараши, тарихий тажрибаси ҳамда маънавий қадриятларини бошқа жамиятга етказишнинг самарали воситасидир.



(Давоми 6-саҳифада.) ➔



ВАТАН МАНЗУМАСИ

МЕНИНГ ВАТАНИМ

Юз йил умр кўрсам, юз йил шеър ёзсам,
Юз йил таърифимни айтсам муттасил.
Барибир, севгили ёрин расмини
Чизмоққа муносиб ранг тополмайин
Чаманда тентираб юрган рассомдай,
Сенинг тасвирингга сўз ахтарарман,
Сўзлар сарасидан шу бугунгидай.
Юз йилги шеъримни
Йиғсалар ҳамки,
Бўлмайди дилдаги севгимдай асил,
Эй, менинг Ватаним,
менинг Ватаним!

Салма ЗУННУНОВА



ШУ СОНДА:

ЗИЁЛИ КИМ?

(5-саҳифада ўқинг.) ➔



ЖАРАЁН

“АЁЛ УЙҒОНМАСА, УЙҒОНМАС МИЛЛАТ”

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги
“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи,


Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Фарида АБДУРАҲИМОВА билан суҳбат

– Фарида опа, бу йил юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилинди. Бу эзгу мақсадга эришишда, албатта, хотин-қизларнинг иштироки фоят муҳим. Суҳбатимизни Янги Ўзбекистон аёли ҳақидаги мулоҳазалардан бошласак.
– Бугун Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек тарихий жараёнларда яшаймиз. Бунда Аёл маънавияти, маърифати, унинг жамиятда тутган ўрни ниҳоятда муҳим.

(Давоми 3-саҳифада.) ➔



НАВОЙХОНЛИК



БИР АШУЛА ҲАҚИДА

Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-васат” девонидидаги 615-ғазал ёр ҳижронидан юракдада ошиқнинг дилидан кечаётган ўйлар, ваҳм-изтироблари тасвирига бағишланган. Ошиқ ёрни кўзда тутиб, “ўлтурғуси” дер экан, унинг ҳажри – қотиллаш, висоли – ҳалокангиз эканини айтади. Ўтмиш адабиётимизда кўп шоирлар бу ғазалдан таъсирланиб, айна вазн ва “ўлтурғуси” радифида талай ғазаллар бунёд этганлар. Чунончи, Андалибнинг бир ва Увайсийнинг икки ғазали маълум.

Ғазал байтлари тадбирига ўтамин:
Бир кун мени ул қотили

мажнуншиор ўлтурғуси,
Усрук чиқиб, жавлон қилиб,
деवानавор ўлтурғуси.

(Давоми 4-саҳифада.) ➔


ФАКТ

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига ташрифи доирасида Хатай вилоятининг Арсуз туманида “Ўзбекистон” турар-жой мажмуасининг очилиши ва Истанбулда ўзбек мактабининг қурилишини бошлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Азизбек Исраилович Икромов Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири, Баҳодир Ҳамидович Ташматов Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўмондони лавозимига тайинланди.

✓ Туркияда узлуксиз 3 йил яшаб келган ўзбекистонликлар 1 мартдан бошлаб ишлаш ҳуқуқини берувчи рухсатнома олиши мумкин бўлди.

ИЛМ ЙЎЛИ



ЗАРРАНИНГ ЗАЛВОРИ

Бу гал анъанамиздан биров чеккан ҳолда, академиклар билан эмас, илм-фан оламида ёш олимлардан ҳисобланган юртдошимизни саволга тутдик. Суҳбатдошимиз – физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори, ЎзФА У.А.Арифов номидаги Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг катта илмий ходими Илём АБДИСАИДОВ.

– “Углерод нанонайчаларининг паст ҳароратдаги синтези учун нанокаталлизаторлар ва уларнинг хоссалари” мавзусида илмий иш ёқлабсиз. Маълум бўлишича, бу Ўзбекистонда янги йўналишлардан экан. Янги

йўл очиш доим машаққатли бўлган. Сизни бунга нима ундади?

– Углерод нанонайчалари соҳаси юртимизда нисбатан янги йўналишлардан бири ҳисобланади ва бу соҳа билан шуғулланувчилар ҳам кўп эмас. Бу амалий ва иқтисодий жиҳатдан муҳим соҳа. Шу сабабли, бу йўналиш нафақат илмий тадқиқотчилар, балки саноат вакиллари учун ҳам талаб юқори бўлган соҳалардан бирига айланиб бормоқда. Бизнинг ишимиз шу келажақ учун пойдевор яратишга қаратилган.

(Давоми 2-саҳифада.) ➔



ҲАМКОРЛИКДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Бошланиши 1-саҳифада.

Айни пайтда Туркия Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий шерикларидан бирига айлангани эътиборлидир. Келгуси йилларда икки томонлама савдо ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш режалари белгилаб олинди. Ўзбекистонга Туркия инвестициялари ҳажми 70 баравар кўпайиб, қўшма корхоналар сони 2 минг 100 тадан ошди. Стратегик ҳамкорлик таълим, тиббиёт, қурилиш, тўқимачилик саноати, автомобилсозлик, энергетика, фан, технология, маданият, рақамли иқтисодиёт ва хавфсизлик соҳаларида жадал ривожланмоқда.

Томонлар Осиё-Тинч океани минтақаси – Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон – Туркменистон – Озарбайжон – Грузия – Туркия – Европа мультимодал транспорт йўлагини илгари суршдан манфаатдор. Унинг амалга оширилиши мамлакатларимизга ташқи савдо салоҳиятини ўзаро манфаатли асосда сезиларли даражада ошириш имконини беради. Хусусан, Ўзбекистон ҳудуди орқали товарларни транзит ташиш ҳажмини ҳозирги 7-10 миллион тоннадан 2030 йилда 23 миллион тоннага етказишда муҳим омил бўлади.

Бундан ташқари, расмий Анкара Туркия, Кавказ, Каспий денгизи ва Марказий Осиё ҳудудлари орқали Хитойга ўтадиган Ўрта йўлак инфратузилмаси лойиҳасини фаол равишда илгари сурмоқда. Мутахассислар фикрига кўра, “Ўрта йўлак” Марказий Осиё мамлакатларидан товарлар экспорт қилинадиган “Шимолий йўлак”ка нисбатан тежамкорроқ, у товарларнинг ҳаракатланиш вақтини уч баравар қисқартиради. Ундан самарали фойдаланиш билан минтақадаги давлатлар йилига 600 миллиард долларга баҳоланаётган Хитой-Европа савдосидан фойда қўришлари мумкин бўлади.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги алоқаларнинг юраги бу икки қардош халқнинг маънавий бирлигидир. Таълим ва илм-фан соҳасидаги алмашинувлар, Туркиянинг етакчи олийгоҳлари филиалларининг юртимизда очилиши, шунингдек, маданият кунлари ва кинофестиваллар халқларимизни янада жипслаштиради. Маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш



учун мустаҳкам пойдевор яратилган. Бу йўналишдаги ҳамкорликнинг кенгайиши ва чуқурлашиши маданиятларнинг ўзаро бойитилишига ва умумий маданий-гуманитар маконнинг шаклланишига ҳисса қўшади.

Туркия вакиллари Самарқандда ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида мунтазам равишда иштирок этади. “Хива – турк дунёсининг маданий пойтахти” халқаро дастури доирасида Туркияда Муҳаммад Хоразмий ҳайкали ўрнатилди, ёдгорлик мажмуаси очилди. Бухоро давлат тиббиёт институтида Туркия тиббиёт фанлари университети билан ҳамкорликда янги факультет ташкил этилди, Тошкентда Туркия иқтисодиёт ва технологиялар университетининг филиали иш бошлади. Кинематография соҳасида икки томонлама ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Биргаликда ишлаб чиқарилган “Мендирман Жалолiddин” тарихий сериали томошабинлар эътиборини қозонди.

Ташқи иқтисодий, маданий ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашнинг рағбатлантирувчи омилларидан бири бўлган туризм соҳаси Тошкент ва Анкарада икки иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашнинг ишончли омили сифатида қаралади. Турк мутахассислари Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантиришда иштирок этмоқда. Туркия фуқаролари юртимизнинг маданий ва тарихий жойларига катта қизиқиш билан қарайди.

Ҳар ҳафта ўнлаб авиақатновлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Истанбул, Анкара, Анталия шаҳарларини ўзаро боғлаётди. Самарқандда Туркия Бош консулхонасининг очилиши давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш ва кенг қамровли стратегик шериклик тамойилларини амалга оширишнинг ижобий белгиси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанинг

таклифига биноан ушбу мамлакатда расмий ташриф билан бўлиши муносабатлар ривожиде муҳим ўрин тутади. Ташриф доирасида Анкара шаҳрида икки давлат раҳбарлари раислигида Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилиши ўтказилиши кўзда тутилган. Саммит кун тартибидан Ўзбекистон–Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари ўрин олган. Амалий ҳамкорликни кенгайтириш, энг аввало, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, саноат, “яшил” энергетика, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик дастури доирасида кооперация лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда 85 миллион аҳолига эга Туркия стратегик жиҳатдан муҳим давлат сифатида намоён бўлмоқда. Шарқ ва Фарб,

Осиё ва Европа чорраҳасида жойлашган бу мамлакат ўзининг иқтисодий кўрсаткичлари, ҳарбий салоҳияти ва дипломатик маҳорати билан халқаро майдонда мувозанатловчи куч вазифасини бажармоқда. Туркия дунёнинг энг йирик иқтисодиётларидан бири ва G20 (Катта йигирмалик) аъзосидир. Туризм соҳасида дунёнинг кучли бешлигига кирган бу мамлакатга ҳар йили ўнлаб миллиард доллар валюта оқими кириб келади.

Туркиянинг бугунги дунёдаги нуфузини ҳарбий қудратисиз тасаввур қилиб бўлмайди. У НАТОнинг энг йирик ва муҳим аъзоларидан бири, ташкилотда қўшин сони бўйича АҚШдан кейинги ўринда туради. Сўнгги йилларда бу давлат ҳарбий техника импортидан воз кечиб, экспорт қилувчига айланди. Туркия Туркий давлатлар ташкилотининг (ТДТ) асосчиси ва фаол аъзоси сифатида Марказий Осиё ва Озарбайжон билан алоқаларни стратегик даражага олиб чиқди.

Президентимизнинг Туркияга ташрифи кун тартибидан жой олган янги кооперация лойиҳалари портфели Ўзбекистон саноатини модернизация қилишда муҳим рол ўйнайди. Инновациялар, яшил энергетика ва юқори технологиялар соҳаларидаги келишувлар икки мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширади. Бундан ташқари, Туркия томони билан маҳаллий хомашё асосида замонавий дори воситалари ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, Ўзбекистон пахтасини тўлиқ қайта ишлаш ва тайёр бренд маҳсулотлари билан жаҳон бозорига биргаликда чиқиш ҳам режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, олий даражадаги мазкур ташриф икки давлат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни сифат жиҳатидан мутлақо янги даражага кўтаради. Бу нафақат сиёсий ва иқтисодий келишувлар мажмуи, балки икки қардош халқ ҳамда минтақа фаровонлиги йўлида хизмат қиладиган муҳим сиёсий воқеа бўлиб тарихда қолади. Тошкент ва Анкаранинг бирлиги – минтақавий барқарорлик ва тараққиётнинг мустаҳкам кафолатидир.

Жамолиддин БАДАЛОВ

Бошланиши 1-саҳифада.

Углерод нанонайчаларининг бутун дунёда қанчалик муҳим эканини кўриб, билиб келяпмиз. Шунга кўра, “Нима учун буни ўзимизда ҳам амалга оширмаслик керак?” деган фикр пайдо бўлди. Айнан шу савол мени бу соҳага кириб келишимга, дастлабки натижаларга эришимизга сабаб бўлди.

Ҳозир нанокатализаторлар бозори дунё бўйича тахминан 3 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Мутахассислар ҳисобига кўра, 2033 йилга бориб бу кўрсаткич 5 миллиард АҚШ долларидан ошиши кутилмоқда. Углерод нанонайчалари бозорини оладиган бўлсак, ҳозирда у тахминан 10 миллиард АҚШ долларига тенг. 2030 йилларга келиб бу кўрсаткич 20 миллиард долларга етиши мумкин.

Мана шу рақамларнинг ўзиёқ ушбу соҳанинг қанчалик истиқболли ва долзарб эканини кўрсатади.

– **Углерод наноматериаллари-га бўлган талабнинг ортишида қандай омиллар бор? Хусусиятлари ва қўлланилиш соҳалари бўйича ҳамда илмий ишингизга алоқаси ҳақида маълумот берсангиз.**

– Оддий қилиб айтганда, ҳозир

ЗАРРАНИНГ ЗАЛВОРИ

жуда майда, кўзга кўринмайдиган, лекин жуда кучли ва фойдали материал тайёрлапмиз. Бу углерод нанонайчалари асосан бошқа маҳсулотларга қўшилади ва уларнинг хусусиятини кескин яхшилайди.

Қурилиш соҳасини олайлик. Агар углерод нанонайчалари бетонга атиги 0,1-1 фоизгача қўшилса ҳам, бетоннинг мустаҳкамлиги бир неча баробар ошади. Одатда бетон вақт ўтиши билан ёрила бошлайди, нанонайчалар эса бунинг олдини олади. Бу материалнинг мустаҳкамлиги оддий пўлатдан бир неча ўн, ҳатто юз баробар юқори бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу ишланмалар авиация ва автомобилсозлик

соҳаларида ҳам кенг қўлланилади. Айниқса, углерод нанонайчалари юқори электр ва иссиқлик ўтказувчанлиги, вазнининг енгиллиги, мустаҳкамлиги ҳамда ёнғинга чидамлилиги билан ажралиб туради.

Электроника соҳасида чиплар, датчиклар ва сенсорлар ишлаб чиқаришда фойдаланилса, фармацевтика ва биотиббиёт йўналишларида дори воситаларини организмда зарарланган ҳужайраларга манзилли етказиш, саратон касаллигини эрта ташхислаш ва даволаш жараёнларида қўлланилади.

Углерод нанонайчаларини асосан уч хил усулда синтез қилиш мумкин: ёйни разрядлаш, лазерли



абляция ва кимёвий бугларни чуқуририш. Ушбу усул инглиз тилида Chemical Vapor Deposition, яъни CVD деб аталади ва амалиётда энг кўп қўлланилади. CVD усулида углерод нанонайчаларини синтез қилишда асосий ролни катализаторлар бажаради. Улар ҳам уч турга бўлинади: гомоген, гетероген ва нанокатализатор. Нанокатализаторлар гомоген ва гетероген катализаторларнинг афзалликларини ўзидан ажратиб олиш мумкин бўлиб, уларнинг асосий устунлиги ўлчамининг жуда кичиклигидир. Шу сабабли, нанокатализаторлар нафақат реакция тезлигини оширади, балки синтез жараёнида ҳосил бўлаётган маҳсулотнинг тузилиши ва шаклини ҳам бошқариш имконини беради.

Бу хусусият анъанавий катализаторларга хос эмас. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги кунда углерод нанонайчаларининг кимёвий бугларни чуқутириш – CVD усулида синтез қилиш жараёнида катализатор сифатида айнан нанокатализаторлардан фойдаланилмоқда. Бу эса юқори сифатли ва бошқариладиган тузилишга эга углерод нанонайчаларини олиш имконини беради.

– **Бу жараён моддий томондан қимматга тушса керак?**

– Бу ерда иккита асосий масала бор: бири – уларни қандай қилиб олиш, иккинчиси – қаерда ва қандай қўллаш. Бизнинг лабораторияда шундай имконият борки, углерод нанонайчаларини синтез қилиш жараёнида ишлатиладиган асосий моддаларни ўзгартириб иш-

лашимиз мумкин. Масалан, углерод манбаи сифатида турли углеводородлардан фойдаланамиз.

Катализаторнинг ўзи ҳам жуда муҳим. Масалан, ҳозирги кунда дунёда углерод нанонайчаларини синтез қилишда, катализатор сифатида кўпинча қиммат металллардан – платина, олтин, қумуш қабилардан фойдаланилади. Бизнинг асосий мақсадимиз – айнан шу жараёни арзонлаштириш.

Масалан, платина ёки олтин ўрнига никел, темир ёки кобальт қабил металллар нанозарраларини катализатор сифатида қўллапмиз. Бу металллар анча арзон, лекин тўғри шароитда улар ҳам углеводородларни парчалаб, углерод нанонайчаларини ҳосил қилишга қодир.

Агар катализатор қиммат бўлса, бу охири-оқибат бутун маҳсулотнинг таннарихига таъсир қилади. Масалан, ҳозирги кунда углерод нанонайчаларининг бир грами бозорда 500 долларгача баҳоланади. Асосий мақсадимиз эса шу нархни тушириш. Бунинг учун синтез жараёнида қиммат материалларни арзонроқ материаллар билан алмаштирамиз, прекурсорларни ҳам оптималлаштирамиз. Натижада, бутун синтез жараёни иқтисодий жиҳатдан арзонлашади ва олинган углерод нанонайчаларнинг ҳам нархи пасаяди.

Қилаётган ишларимизнинг асосий мақсади – углерод нанонайчаларини нафақат олиш, балки уларни келажақда кенгроқ ва арзонроқ қилиб, саноатга татбиқ этиш имконини яратишдир.

– **Институт моддий-техник базаси ана шу йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун етадими?**

– Албатта. Бу даргоҳнинг энг катта бойлиги – устозлар. Қолаверса, углерод нанонайчаларни синтез қилишдан тортиб, уларни таҳлил қилиш ва хоссаларини ўрганишгача бўлган жараёнда ишлатиладиган аналитик қурilmалар жуда қиммат ва мураккаб ҳисобланади. Бундай замонавий қурilmалар ҳар бир лабораторияда ҳам мавжуд эмас. Шу боис, Ўзбекистон Миллий университетининг магистратура босқичини тугатгач, 2010 йилда амалиётлар жараёнида яқиндан танишганим – У.А.Арифов номидаги Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида ишлай бошлаганман.


Уша йиллари ҳозиргидек шароитлар йўқ эди. Сўнгги йилларда институт янги қиёфа касб этди, замонавий лабораториялар ташкил этилди, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун зарур бўлган шароитлар яратилди. Бундан ташқари, сўнгги 10 йил ичида илмий ҳодимлар ва ёш олимларга ажратиладиган маблағлар ҳам бир неча баробарга оширилди. Олий таълимдан кейинги илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш кучайтирилди. Замонавий аналитик қурilmалар олиб келинди ва лабораторияларга жойлаштирилди.

Ҳозирча имкониятларимиз анча яхши. Яна керакли қурilmалар босқичма-босқич олиб келинмоқда. Улар тўлиқ ўрнатилгач, биз олинган маҳсулотларнинг морфологиясини, ички тузилиши ва бошқа хусусиятларини янада чуқуროқ ўрганиш имкониятига эга бўламиз.

Ҳозирда углерод нанонайчаларини литий-ион батареялари учун композит анод materiali синтези йўналишида илмий тадқиқот олиб борапман.

– **Суҳбат учун самимий миннатдорлик билдирамиз, илмий фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.**

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА суҳбатлашди.



Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ



“АЁЛ УЙҒОНМАСА, УЙҒОНМАС МИЛЛАТ”

Бошланиши 1-саҳифада.

Қайси давлат хотин-қизларининг билимли, замонга мос касб-ҳунарли бўлишига эътибор қаратмас экан, ўша давлат албатта ютқазади. Аёллари эъзозланган юртининг эса келажаги буюк, авлодлари баркамол бўлади.

Яна бир гап. “Бир ўлкани босиб олмакчи бўлсанг, аввал аёлларининг руҳиятини бил. Агар у ерда бўшлиқ, иродасизлик, лоқайдлик, жоҳиллик, қўрқув ва ҳавойи сўзларга учиб бўлса, бу мамлакатни жангсиз ҳам босиб оласан”, деган ҳикмат бор. Бу тарихдан сабоқ, бугунги дунё манзарасидан ибратдир.

Бугун юртимиз аҳолиси 38 миллиондан ошди, унинг 18 миллиондан зиёдини хотин-қизлар ташкил қилади. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида, ҳар йилги давлат дастурларида хотин-қизлар масаласида алоҳида бандлар ажратилиши бежиз эмас. Барча ислохотлар инсон қадр, аёл маърифати учун амалга оширилмоқда.

Қувонарлиси, аёлларимиз орасида бугун 17 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 15 нафар академик, уч мингдан ортиқ фан доктори бор. Спорт ва фан олимпиадаларида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида айтиб ўтиришнинг ҳождати йўқ. Чунки халқимиз ҳар бир чемпионимизни ўз қиздай яхши танийди, эъзозлайди. Ай-Ти соҳасига қизиқаётган, шу бўйича сабоқ олаётган, ўз фаолиятини бошлаётган қизларимиз давраси йилдан-йилга қарра-қарралаб кўпаймоқда. Мана бунга барқарор ривожланиш меваси, деса бўлади.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш ҳақида катта лойиҳа ва ташаббусларни илгари сурди.

“Ҳозирги вақтда қайсидир маҳаллада йўл, қайси бирида сув ёки электр масаласи, бошқисида боғча, мактаб, тиббиёт, яна бирида уй-жой билан боғлиқ масалаларга алоҳида-алоҳида ечим берилмоқда. Очиқ айтиш керак, бунинг ўзи билан маҳалладаги барча масалалар тўлиқ ҳал бўлиб қолмайди. Шунинг учун келгуси йилдан маҳаллани ривожлантириш бўйича комплекс ёндашув жорий этилади”.

“Мурожаатнома”дан

Тарихий маърузанинг ҳар бир бандини синчиклаб ўқиб чиқдим ва ҳар бирининг замирида барибир Аёл, Оила, Ёшлар манфаати муҳассам эканини кўрдим. Президентимиз: “Янги йилда маҳаллалардаги аҳолини, хусусан, хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, бунинг учун зарур инфратузилмани яратиш бўйича уш йиллик дастур қабул қилиб, бунга 1 триллион сўм йўналтирамиз”, дея таъкидлади.

– **Демак, хотин-қизларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун ҳуқуқий, моддий ва маънавий асослар яратилган. Лекин баъзи ҳолларда ана шу имкониятлардан фойдаланмаётган, чайнаб берилган лўқмани ютишга-да ҳафсала қилмаётган опанингилларимизни кўраимиз...**

– Журналистика бўйича ўқиганман, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича ярим асрдан кўп тажрибам бор. На кузатув, на илмий ёндашув билан “Аёлга нима керак?” деган саволга жавоб топишга қийналдим, Зарнигоржон.

“Нималар керак ўзи аёлга?” – бу савол балки дунё яралгандан бери айтиб келинади. Шу саволга бир зиёли, ўзбек онаси, Ўзбекона рўзгор бекаси ўлароқ, ҳаётий тажрибамдан жавоб топишга ҳаракат қилдим.

Аёл шундай мўъжиза эканки, альпинист бўлмаса ҳам бир чўққини забт этишни топширсангиз, эгаллаб қайтати. Қандай қилиб? Бунинг учун кўп нарса керакмас, ёнида унга ишонадиган, руҳлантирадиган, суянч бўладиган, қўллаб-қувватлайдиган одам бўлса, бас. Нозик хилқат вакиллари учун қимматбаҳо соғва билан ширин сўзнинг қиймати тенг, балки сўз қадрлироқ. Икки оғиз лутфу қарам кимни ўлдирибди?! Унинг сабри тошдан қаттиқ, аммо қалби қизгалдоқ баргидан нозик битта сўз билан тўқилиб кетиши, битта сўз билан қанот чиқариб парвоз қилиши мумкин. Мана, Президентимизнинг маърузалари, учрашувлардаги



сўзларига эътибор беринг. У киши шунчаки табриклаб ё олқишлаб қўймайди, ўз нутқларида хотин-қизларимиз шаънига битилган алломаларнинг сўзлари, шоирларнинг шоҳбайтларидан мисол келтиради. Бундан ҳар бир эркак ўрнак олиши керак.

Бир вақтлар “Аёлини асраган эрлар” деган мақола ўқигандим. Мазмунни умумийроқ эса-да, сарлавҳаси манзур бўлганди. Боя айтганимдек, аёлнинг суянчи эри бўлса, оилада фароғат, ишда омад ёр бўлади.

Шу ўринда айрим сингилларимни қойиб қўймасам бўлмайди. Масалан, 56 йил бўлибди меҳнат фаолиятимни бошлаганимга. Турли даражадаги масъул вазифаларда ишладим. Аммо ким бўлишимдан қатъи назар, уйга кириб борганимда уй бекасига, рафиқага, келинга, онага айланаман. Чарчок бўлмайди дейсизми, бўлади. Лекин уйда ҳаловат бўлмаса, оила даврасидаги вақт мазмунли ўтмаса, ким учун, нима учун елиб-юғуриб юрибмиз?! Ўз оиласида тинчи йўқ одам маҳалла, жамият, давлат тинчи ҳақида бош қотира оладими? Шунинг учун бугунги кун аёлларига айтгим келади, оила – муқаддас, уни асраш керак.

– **Сиз ўша машҳур “Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси” сериалининг ғоя муаллифларидансиз. Ушбу картина ҳамон долзарблигини йўқотмаган. Аксинча, тўй-ҳашамдаги исроф, “ган” ва “улфатчилик”ка муккасида кетган ота-оналарнинг савияси, бундай оилалардаги болалар тарбияси масаласи яна ҳам долзарблик касб этмоқда.**

– Бир аср олдин Абдулла Авлоний ёзиб кетган: “Оналаримиз билим ва тарбия ўрнига эрлари ила урушиб-талашуб қизларига мол қилмакни яхши кўрурлар”. Эътиборни тўйга қаратаверамиз-у, кейинги ҳаётни ўйламаймиз. Ёш қизларимиз, келинларимиз бугун меъёрни унутиб қўймоқда.

Мана, бир мисол. Яқинда тўй қилган бир она гапириб берди: “Келиннинг ҳар турли қилиқларини кўриб, ўғлимнинг чехраси очилмаслигидан хавотирланиб, “Турмушларинг яхшими?” десам, ўғлим: “Она, ҳаммада шунақа бўладими? Икки ой яшаган бўлсак, бир ой уришиб, гаплашмай яшадик”, дейди. “Нимага уришдинг?” десам, узоқ жим қолиб: “Дугоналарим асал ойда чет элмачет эл юрибди. Сиз ҳам мени Ўйфел минорасига олиб боришингиз керак. Бўлмаса машина олиб беринг!” деб шарт қўйган келиннингиз”, деди. Болам ҳам йўқ демаган, фақат озгина кутишини, қарз-қаволани узиб, секин-асота ҳаммасига эришишини айтган. Танноз хоним оёқ тираб туриб олган. Ажрашиб кетмаса эди, деб хавотирдаман...”

Мана бундай савдолар борки, энди ўша “Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси” сериалини янгитдан олиш керак.

Бу денгиздан томчи, холос. Демак, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича масъулларнинг қиладиган ишлари кўп ҳали. Бу борада малакали психологларимиз, оилашунос олимларимиз, “Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти вакиллари ҳам камарбаста хизматда.

Ўтган йили уч ярим мингга яқин маҳаллада хотин-қизлар фаолларини 36 соатлик малака ошириш дарсларига қамраб олдик. Ҳар бирининг қўлига 10 номдан ортиқ қўлланма топширдик. Энди улар ҳам хонадонга кириб, бувижонлар, қайнонажонлар, онажонлар билан ишласа, дилимизни хира

қиладиган, давлатимиз ривож, халқимизнинг фаровонлиги, оилаларимизнинг мустақамлигига раҳна соладиган салбий ҳолатлар ўз-ўзидан камаяди.

Бу йўлда адабиёт, санъат, маданият соҳаларидан, китобхонликдан унумли фойдаланиш зарур.

– **Сир эмас, бугун хотин-қизларимизнинг аксари ўз қарашларини инстаграмдаги блогерлар, психологлар, мотиваторларнинг чиқишлари орқали ҳам шакллантирмоқда. Бу қанчалик тўғри?**

– Авваллари ёшларимиз психологга муҳтож бўлмаган. Нега? Чунки йигитлар билан отаси, амаки-тоғалари, устозлари шуғулланган, уларнинг ҳақиқий эркак бўлиб вояга етишида йўл-йўриқ бериб борган. Қизларимиз эса момоларининг қабатида ўтириб, онасининг ёнида юриб ҳаётга тайёрланган. Улардан яширган, уялган сирларини янгаларига очган. Қизлар тарбиясида амма-халаларнинг, маҳалла кайвониларининг роли катта бўлган. Бугун оилавий мулоқот камайиб бормоқда. Умуман, кунлик ўзаро жонли мулоқот соатлари қисқариб кетяпти. Натижада, қизлар ўз дардига давони ижтимоий тармоқлардан излаяпти.

Шунинг учун психолог керак ҳозир, фақат бир қондини унутмаган ҳолда. Яъни, тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак. Аммо бугун на маълумотга, на фаросатга эга бўлган чала психологу қоққоқ мотиваторлар касрига оилаларда ички низолар кучайиб бормоқда. Эр-хотин, ота-бола муносабатлари кескинлашди. Авлодлар ўртасида шундоқ ҳам тафовутлар мавжуд, узоқни ўйламай қилинган чиқишлар эса уни жарқилка айлантiryапти.

Ўзим ҳам бир неча “инстадаҳо”ларни эшитиб кўрдим. Кўришиб турибдики, аксарининг гапи, маслаҳати ва тавсиялари хориж манбаларидан таржима қилинган. Ахир ҳар бир халқнинг, ҳар бир минтақанинг ўз шарт-шароити, дунёқараш бор. Ҳеч ким Африкада пўстин қилиб юрмайди-ку! Шунинг учун ҳар гап қулоққа ёқса, эргашиб кетмасдан ўйлаб, мулоҳаза қилиб қўриш керак.

Аммо бу билан одамларни психологдан чўчитиб қўйиш ҳам керакмас. Шу соҳада ўқиган, тажриба оширган малакали мутахассисларга мурожаат қилиб, турли масалаларда ёрдам олишнинг зарари йўқ, ҳатто, фойдали ҳам. Шунинг учун олий таълимда оилашунос психологларни тайёрлашга янада кўпроқ эътибор қаратиш керак. Мана, 10 миллионга яқин оила бор. Шу боис, бир неча йиллик оилага ҳам, янги оилага ҳам психологнинг маслаҳати керак. Лекин у қанақа тавсия бeryапти? Эҳтиёж бор экан, асл психологларни ўзимиз тайёрлаб, Интернет оламига олиб қирайлик. Акс ҳолда, бегона калит солинган қулф бузилгандай, ўзининг руҳиятида муаммоси бор “руҳшунос”лар миллат руҳиятини бузиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Мотиваторлика даъвом йўқ, лекин буви сифатида айтгим келади ёшларга: сиз ҳаммани севинг – оилангизни, қўни-қўшни, қариндош-уруғни, шунда сизни севувчилар доираси ҳам кенгайди. Шунда ўзингизни керакли, қадрли деб ҳис қиласиз. Меҳр берсангизгина, меҳр оласиз. Одам тафтини одам олади.

Инсон билан тирикдир инсон, Муҳаббатдан ҳаётнинг боши. Одамзодга бахш этади жон, Одамларнинг меҳр кўёши.

Эркин ВОҲИДОВ

Беминнат психолог бу – китоб. Масалан, жадид бобомиз Абдурауф Фитратнинг “Оила” деган асари бор. Унда оилага оид энг майда масалаларгача эътибор қаратилган. Бир аср олдин ёзилган бўлса-да, бугунги қатор муаммоларимиз ҳам акс этган. Афсуски, бу китоб кам ададда чиққан. Мен хоҳлардимки, 50 минглаб нусхада чиқариб, оила қураётган ёшларга, ФХДЁ бўлимида никоҳ гувоҳномасига қўшиб берсақ, қандай яхши бўларди. Бир умрга дастуруламал бўлиб қолади шу хонадонда.

– **Китоб ўқиш учун ҳам оилада бўш вақт бўлиши керак. Аиниқса, фарзандлар дунёга келгач, ёш оналаримизда ана шу вақт масаласи муаммога айланиши сир эмас.**

– “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг биринчи бўлим, биринчи бандида битта нарсасига эътибор қаратдим. Мактабгача таълимга болаларимизни қамраб олишни 2030 йилгача 81 фоизга етказиш назарда тутилган. Кейин ўйлаб қолдим, нимага биринчи бўлиб шу вазифа қўйилди, бошқа нарсалар эмас?

Аввало, боланинг дунёқараш, билими ўсади, соғлом турмуш тарзига ўрганади. Мактабгача таълим онага нима беради? Биринчидан, ҳаловат – боласи ишончли қўлларда, яхши парваришда эканига ишонч ҳосил қилади. Иккинчидан, бўш вақт – ўз устиди ишлай олади, китоб ўқийди, ўзини парвариш қилади. Мана шунинг учун ҳам бу масала долзарб, бунинг тагида жуда гап кўп.

– **Фарида опа, ўзингиз фаолият олиб бораётган даргоҳнинг мақсад-муддояларини яна бир бор ўқувчиларимизга шарҳлаб берсангиз.**

– Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 21 декабрда имзоланган “Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти ташкил этилган.

Институт олдига хотин-қизлар қўмитаси тизими ходимлари, шунингдек, маҳалладаги хотин-қизлар фаолларининг малакасини ошириш, уларнинг фаолиятини услубий қўллаб-қувватлаш, оила, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалаларига оид муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, натижалари бўйича муаммолар ечим юзасидан давлат органлари ва ташкилотлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш ва киришти, тарғибот ишлари учун услубий қўлланмалар ва тарғибот материалларини тайёрлаш, халқаро индекс ва рейтингларда Ўзбекистон ўрнини яхшилаш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш ва тегишли вазирлик ва идора-ларга кириштиб бориш сингари муҳим мақсадлар қўйилган.

Айни пайтда, муассасамизда оила, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича фанлараро фундаментал, илмий-амалий тадқиқотлар, социологик сўровлар, илмий конференциялар ўтказиш, олимлар ва илмий салоҳиятли кадрларни тайёрлаш, илмий тадқиқот ўтказиётган изланувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишланмаларини амалиётга жорий этишга қўмаклашиш, илгор ҳалқаро тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш, халқаро ташкилотлар, жағмармалар, маҳаллий ва хорижий тадқиқот марказлари, ўқув муассасалари билан шартномалар асосида тадқиқотлар олиб бориш ҳамда ўрганишлар асосида таклифлар ишлаб чиқиш ишлари олиб боришмоқда.

– **Шоира Шарифа Салимова ёздики, “Аёл уйғонмаса, уйғонмас миллат”. Фарида опа, миллат аёлларини уйғотиш йўлидаги фаолиятингиз бардавом бўлсин. Саломат бўлинг! Янги-янги тадқиқотлар, китоблар ва ижод маҳсуллари орқали халқимиз илмий-ижодий ҳазинасини бойитиб бораверинг!**

Суҳбатдош:
Зарнигор ИБРОҲИМОВА



ОЛАМ ОЛИМИ



АЗИЗ САНЖАР

ДНК таъмирлаш механизмлари орқали инсон саломатлиги ва келажак тиббиётига йўл очган нобелчи олим

Замонавий молекуляр биология ва генетика фанининг ривожланишида таниқли олим, Нобель мукофоти лауреати Азиз Санжарнинг ўрни бекиёс. Унинг ДНК таъмирлаш механизмлари бўйича олиб борган тадқиқотлари инсон геномининг барқарорлиги, саратон касалликлари ва биологик соат тизимини тушунишда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Азиз Санжарнинг илмий ютуқлари нафақат жаҳон миқёсида, балки Ўзбекистонда ҳам юксак эътироф этилмоқда. Жумладан, 2018 йил октябрь ойида унга Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан фахрий профессор унвони берилди. Шунингдек, олим номи билан ЎЗМУ Биология факультетида махсус илмий лаборатория ташкил этилди. 2023 йилда Самарқанд давлат университетида ҳам Азиз Санжар номидаги илмий лаборатория ўз фаолиятини бошлади. Ушбу лабораториялар молекуляр биология, генетика ва биомедицина соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда ёш олимларни тайёрлашга хизмат қилмоқда.

ИЛМИЙ БИОГРАФИЯ ВА МУВАФФАҚИЯТ ЙўЛИ

Азиз Санжар 1946 йил 8 сентябрда Туркиянинг Мардин шаҳрида туғилган. У Истанбул университети тиббиёт факультетини тамомлаб, кейинчалик АҚШдаги Техас университетига молекуляр биология йўналишида докторлик (PhD) даражасини олган. Ҳозирда у АҚШнинг Шимолий Каролина университети тиббиёт мактабида профессор сифатида фаолият юритади.

2015 йилда ДНК таъмирлаш механизмларини ўрганиш бўйича тадқиқотлари учун кимё бўйича Нобель мукофотида сазовор бўлди.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ЙўНАЛИШЛАРИ

Олимнинг асосий илмий йўналишлари ДНКни тиклаш механизмлари, биологик соат ва криптохром генлари, ҳужайра цикли, мутация жараёнлари ҳамда саратон терапиясида хронотерапия концепциясини ўз ичига олади. Азиз Санжарнинг тадқиқотлари ДНКнинг ультрабинафша нурлар таъсирида зарарланиши ва ҳужайра томонидан қандай тикланишини молекуляр даражада тушунтириб берди. Бу ишлар геном барқарорлигини сақлаш механизмларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этди.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ УЧУН АҲАМИЯТИ

Азиз Санжарнинг илмий ишлари тиббиёт ва биотехнология соҳасида қатор амалий натижаларга олиб келди. Хусусан, саратонни даволашда дори воситаларини организмнинг биологик соатига мос вақтда қўллаш – хронохимиотерапия усули самарадорликни оширишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, генетик касалликлар, қариш жараёни ва мутация механизмларини тушунишда ҳам унинг тадқиқотлари муҳим назарий асос бўлиб ҳисобланади.

САРАТОН БўЙИЧА ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

Олим ҳозирги кунда биологик соат ва ДНК таъмирлаш тизимининг ўзаро боғлиқлигини ўрганишни давом эттирмоқда. Ушбу тадқиқотлар саратон ҳужайраларининг шаклланиши ва ривожланишини янги нуқтаи назардан тушунтириш имконини беради. Ўрхон Бурсали томонидан ёзилган мақолада қайд этилишича, мазкур ёндашув кимё ва радиотерапиянинг самарадорлигини ошириш билан бирга, соғлом ҳужайраларга етказиладиган зарарни камайтиришга хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ

Азиз Санжар Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюрган ва мамлакатнинг илмий салоҳиятини юқори баҳолаган. У юртимизда қадимий цивилизация ва илм-фан марказлари ҳақида бири сифатида таърифлаб, ёш олимлар ва талабаларнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш муҳимлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, Ўзбекистон ёшлари глобал илм-фан майдонида муносиб ўрин эгаллаши мумкин.

ТУРКИЙ ДУНЁ ЭЪТИРОФИ

2024 йилда Озарбайжоннинг Шуша шаҳрида бўлиб ўтган ТУРКСОЙ Доимий Кенгашининг 40-йигилишида Азиз Санжарга “Турк дунёси маданият элчиси” унвони берилди. 2025 йилда эса Тошкент шаҳрида Туркий Давлатлар Ташкилоти томонидан Али турк дунёсида фан ва технология соҳасига қўшган ҳиссаси учун Улуғбек Навоий номидаги Халқаро мукофот топширилди.

ХУЛОСА

Азиз Санжарнинг илмий фаолияти молекуляр биология ва тиббиёт фанларида янги илмий қарашларни шакллантирди. Шу билан бирга, у туркий дунё ва Ўзбекистонда илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшаётган нуфузли олимлардан бири сифатида эътироф этилади.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.



БИР АШУЛА ҲАҚИДА

Бошланиши 1-саҳифада.

Бир кун мени ул мажнунлик

даъво қилувчи қотил ўлдиргуси,

Маст бўлиб олдимдан чиқиб,

рақсларга тушиб, девонадай ўлдиргуси.

Ёр – шўх, у маъшукни шайдо этиш, вола қилиш, куй-дириш учун минг турли ноз-фироқлар ўйлаб топади, уни қийнайди, азоблайди, минг балоларга дучор этади. Байтда тасвириранишча, ёр ўзини далли-девона қилиб кўрсатади, жавлон уради, ошиқни ҳалок бўлиш ҳолатига еткази.

Гар заъф ила ожизлиғим кўнглига

раҳме солса ҳам,

Бошимга етқач, секретиб беихтиёр ўлтургуси.

Гарчи заифлигу ожизлиғим

унинг кўналига раҳм солса ҳам,

Бошим узра келгач, (от) сакратиб,

беихтиёр ўлдиргуси.

Албатта, ожизлик раҳм-шафқат, мурувват ҳиссини уйғотади. Ёр ҳам бундай олижанобликдан бегона эмас. Аммо у гоҳо жабру жафони беихтиёр ҳам қилади –



ошиқнинг боши устига шиддат билан бостириб келгач, суръатини боса олмай, от сакратиб, беихтиёр ошиқни ҳалок этади, бу бор гап.

Васли аро гар ўлтурур,

жонимга юз минг шукр эрур,

Чун қолсам андин бир замон,

ҳижрони зор ўлтургуси.

Агар васли ичра ўлдирса,

жонимга юз минг шукр қилсам бўлади,

Аммо ундан тирик қолсам,

унда ҳижрони бир лаҳзада зор ўлдиргуси.

Кўрамизки, ошиқнинг олдида икки йул бор: ёр васли ичра ўлмоқ ёнки ёр ҳажрида зор-зор йиғлаб ҳалок бўлмоқ. Ошиқ, агар ёр васли ичра ўлмаса, ҳижрон азо-бида ҳалок бўлишини билади; табиийки... у васлни тан-лайди.

Ошиқ бўлурда билмадим,

мен нотаवони хастаким,

Ҳажр ўлса, ғам куйдургуси,

васл ўлса ёр ўлтургуси.

Ошиқ бўлган чоғда, мен нотава

хаста одам, билмаган эдимки,

Ҳижронда ғам куйдиришини ва

васл насиб бўлса, ёр ўлдиршини.

Ишқ – изтиробдир. Ҳатто энг бахтиёр ошиқнинг ҳам, бир лаҳза бўлсин, ҳаловати йўқ: рашк, ёр илтифотидан умидворлик, ғазабидан ҳар дам кўриқиб туриш, лоақал шу саодатли дамларнинг тугаб қолишидан саросима уни ҳамиша қийнайди. Бундай ошиқ висол айёмида

ёрнинг ўлдирши-ю, ҳижронда эса ғам адо қилишини билади, шу икки ўт аро мудом қоврилади.

Майдон аро, эй аҳли дин,

кирманг тамошосиғаким,

Юз кўрмайин ул кофири чобуксувор ўлтургуси.

Эй, дин аҳли, бу майдон ичра

унинг томошасига кира кўрмангки,

Ул уста чавандоз кофир юз кўрмай

турибоқ ўлдириб ташлайди.

Эй мусулмонлар, бу ишқ майдонига ҳатто томоша қилиш ниятида ҳам кирманг, нечукки, бу майдонда от ўйнатувчи дин ғоратлари юз кўриб-неғиб ўтирмаёк, сиз-ни ҳалок қилиши – ишқ курбонига айлантериши муқар-рар.

Лаълинг закоти – май тутуб тиргузмасанг,

эй муғбача,

Дайр ичра мен дилхастани

ранжи хумор ўлтургуси.

Эй муғбача, лаъли (лаб)инг закоти бўлган

май бериб, тирилтир,

Йўқса, бу дунёда мен дилхастани

хуморлик ранжи ўлдиради.

Муғбача – оташпараст бола дегани, майхона югур-даги ҳам мумтоз шеърятда муғбача деб аталади ва у маъшукка тимсоли сифатида қўлланади. Бу атама замирида ўтмиш ҳаётимиздаги муайян ҳолатлар намоён. Маъшуканинг лаблари шу қадар қип-қизилки, гулгун-ранг май унинг закоти – қирқдан бир ҳиссаси бўлиши мумкин. Шоир ана шу майдан бериб, жон бахш этгил, усиз эса ўша майга хуморлик машаққати мени ҳалок этади, дейди.

Дерлар, Навоий қатлига гулгул очибтур оразин,

Кўргунча они, войким, бу хорхор ўлтургуси.

Навоийни қатл этиш учун (ёр)

гул-гул юзини очибди, дейдилар.

Эвоҳ, у гулюзни кўргунча бу интизорлик

уни хор қилиб ўлдиради-ку.

Май ранги – қизиллик мотиви яна давом этади. Байт-да айтилишича, Навоий қонини тўқмакка чоғланаркан, ёр қизил кийинади, гулгул (қизғиш) юзини очади. Аммо шоирнинг армони шундаки, ёр оразини кўргунча ҳам бўлмай, бу интизорлик, ташналик изтироби – хорхор уни хор қилиб ўлдиради-қўяди. Хорхор сўзи бу ўринда кўп маъноли: орзу, таҳлика, кўнгил ҳаяжони ҳамда ғам-қайғу ўтмишда “хорхор” деб ифодаланган. Шу туфайли, айнаи байтдан бир неча хил маъно чиқиши мумкин (чунончи, жаллоднинг қизил кийим кийиб майдонга чиқиб келиши, унинг ваҳмидан маҳкум бошига қилич туш-масидан аввал юраги ёрилиб ўлиши). Бу байтнинг яна бир маъноси – гулнинг тикани доим бор. Гул эса бир фурсатга очилиб, жилва қилади. Гул юзини кўраман, деган ошиқ унга талпинар экан, тиканлари санчилиб, уни ҳалок этиши мумкинлигига ҳам ишора бор.

Шунингдек, маҳкумни жазо майдонига олиб келиб, уни қатл этиш онида олисдаги аёллар чиммат кўзини тўсгани учун уни четга сориб, юзини очганлар, деган нукта ҳам бор ушбу сатрларда. Биз бу ўринда бош маъ-нони талқин этиш билан қиёроландик.

Ана энди ушбу ғазалнинг мусиқали талқини – ашула ижроси ҳақида. Биз шу ашула мисолида ўзбек мумтоз қўшиқчилигидаги галати бир ҳодиса ҳақида гапирмоқ-чи эдик. Ғазал куйга солиб, ашула қилиб айтиладиган бўлса, нима учундир қарийб ярми олиб ташланади, айтилмайди. “Яримта ғазал ашулачилиги” авжида. Шу даражадаки, мингта ғазал ашула бўлса, камиди тўққиз

юзтаси чўлтоқ, “пати юлинган”. Жумладан, сиз ҳозирги-на ўқиган ғазалнинг ҳам тўрт байти ашулада бор, қол-ган уч байтига “жой тегмаган”, ортиқча деб топилган. Натижада, мазмун деярли англашилмайди, шоирнинг муддаоси рўёбга чиқмай, чала қолиб кетган.

Бизда ашула узоғи билан беш дақиқа ижро қилина-ди, кўпинча ўшанга ҳам етиб бормади. Ҳолбуки, шу руҳдаги афгон, уйғур, эрон, урду ва бошқа элларда ашула хийла давом этади, тингловчига унинг бутун руҳи сингдирилади.

Бунга нима сабаб бўлган экан? Эҳтимол, баъзи байт-лар матнида “ё Оллоҳ!” дегандай сўзлар бўлса, эски замонда куй басталаётган санъаткор ўша байтдан воз кечишга мажбур бўлгандир? Зеро ўтган асрдаги ҳолат маълум.

Лекин маттни ўқисангиз, бу гап асоссиз экани аён бўлади. Масалан, шу ғазалнинг 1-, 2-, 5- ва 7-байти айтилиб, 3-, 4- ва 6-байти қисқартириб кетилади, яъни 43 фоизи “опташланган”. Ҳолбуки, ўша байтларнинг би-ровни ғижинтирадиган жойи йўқ. Хонандалар ёки куй басталаб, ашула ҳолига келтирган муғаннийлар шу даражада ўзбошимчаки, Навоийни ҳам, Бобур, Фурқатни ҳам шартта қисқарта беради, чунки ҳой дейдиган одам йўқ.

Тасаввур қилинг, кинофильм кўряпсиз. Телевиде-ние унинг ярим-ёртисини кесиб ташлаб эфирга узатса, асарни қанчалик тушуна оласиз? Мавзу маълум, аммо маъносини-чи? Ғазални қисқартиб айтиш ҳам шу каби бир ҳолат, аслида.

Йил оша Самарқандда ўтадиган “Шарқ тарона-лари”да кўрамизки, ҳеч қайси чет эллик хонанда ва созанда биз каби “кесиб” хониш қилмайди, ҳар бир ашула узоққина давом этади. Биз эса, гўё хижолат бўлгандай, бошлаб, тугатиб қўя қоламиз, бори шу, дегандай.

Яна бир иллат – аксар ашулачиларнинг саводи ча-тоқ. Ғазални ўқишга, тушунишга ҳафсала қилмайди, аввалги хонанда қандай айтган бўлса, ўшани мағни-фондан аштиб, ёдлаб олади-қўяди. Худо кўрсатма-син, биринчи ҳофиз нуқсли айтган бўлса, қирқ йилдан сўнг ҳам бу хато такрорланаведади.

Жумладан, улуг ҳофиз Комилжон Отаниёзов ушбу ғазални бошқа бир куй йўлида чиройли ижро этган. Яна таҳсинга сазовор жиҳати шуки, ҳеч бир байтни “ташлаб” кетмаган, барини тўлиқ айтган. Аммо айрим сўзларни бошқа бир сўз билан алмаштириб қуйлагани афсусланарли.

Бугун “Мустаҳзод” ижросида ҳам шу ҳолни кўрамиз.

Шоир Чоқар:

Ҳуснинг гули то бўлди жаҳон мулкида пайдо,

эй шўхи паризод,

Солди ани ишқи бошима кулфати савдо,

қилғил манга имдод, –

деса, Маъмуржон Узоқов сўнгги уч сўзини “қилғил анга фарёд” деб қуйлаган...

Камина бир тингловчи, мумтоз қўшиқлар ихлосман-ди сифатида, ўзбек ашулачилигидаги ихрони уч турга ажратгим келади.

Биринчиси – ашулада овоз муҳим, деган хонанда-лар. Уларда қўшиқнинг авжли жойларини баланд то-вуш билан, узоқ чўзиб айтиб, шу орқали тингловчилар-ни қойил қолдириш мақсад бўлади.

Иккинчи тоифа эса – мусиқа, куй бирламчи, дейди-ганлар. Бунда қўшиқ бир ёқда қолиб кетиб, доиранинг ўзи якка тараклатилади, най алоҳида ажраб чиқиб, “соло” тарзида нола қилади, сўнг ғижжакчи қийшанглаб

камон тортишга тушиб кетади, олқиш олиб, қийқирик қўзғашга ҳаракат қилади.

Учинчи тоифа эса ашулада сўз бирламчи, деб би-лади. Қўшиқнинг сўзларини, ғазалнинг маъносини ўқти-ришга интилади. Ҳожихон Болтаев, Маъруфхўжа Баҳо-диров ана шу тоифага мансуб хонандалардан эди. Бу хил қўшиқчилар ғазални теран таҳлил қилишган, дав-раларда айрим байт, мисра ва байт маъноларини талқин этиб, фикр баён этишган, сўнг... қуйлашган.

Навоий даври тарихга айлангач, уни англайдиган, шоир бунёд этган маънолар хазинасининг қадрига ета-диган замон йўқликка юз тутди. XVII–XIX асрлар – шу уч аср ўзбек халқи турмушининг оғир даври бўлди. У замонни Абдулла Қодирий “тарихимизнинг энг қирлик, қора кунлари” деб баҳолаган. Албатта, у ҳолда улуг шоир асарларини ўрганиш ва оммалаштиришнинг ило-жи йўқ эди. Ўша тушкунлик асрларида Навоийнинг ижо-ди оддий халқ эътиборидан четроқда қолгани чин.

Алишер Навоий ижодини ҳар тарафлама тадқиқ этиш ва оммалаштириш ўзбек олимлари орасида бун-дан бир аср аввал – Чўлпон 1924 йили “500 йил” деган мақолача ёзиб, уни Ўзбек билим ҳайъатига йўллагани-дан бошланган. Аммо, афсуски, совет даврида Навоий асарлари ҳўп қисқартирилди, “феодал-клерикал” ё “диний-мистик” ижодкор эмаслигини далилллаш, малю-матдан асраб қолиш, ишқилиб, элга етказиш учун унинг “дунёвий” севгиси ўйлаб топилди, подшоҳ билан низо-си “уюштирилди” ва ҳоказо...

Навоийнинг ёзганларини теран идрок этадиган, бу улуг ижод дунёсининг сир-асрорларини бус-бутун ин-кишоҳ этадиган давр энди келган бўлса, ажаб эмас. Ахир, мустақилмиз, Навоийни миллат қуёши деб атай-миз.

XX асрдаги бир неча авлод навоийшуносларнинг пурзўр меҳнати ва эришган илмий натижаларини эътироф этган ҳолда, айтишимиз керакки, халқимиз орасида Навоий номининг кенг ёйилишига аввало унинг ғазаллари басталанган неча юзлаб ашулалар, шунингдек, Уйғун ва Иззат Султон қаламига мансуб “Алишер Навоий” драмаси (1942) энг кўп ҳисса қўшди. Бинобарин, замона шу экан, деб опера ва эстрадага шўнғиб кетмай, Навоийга ихлос қўйган улуг санъаткор-лар руҳига ҳамиша тасанно айтамыз.

Аммо, маълумки, бугун Навоийнинг барча асарлари тўлиқ нашр этилппти, бирон мисра олиб ташланмайди. Достонларнинг боши ва охири “кесиб” нашр этилади-ган замонлар ортда қолди. Шоирнинг ҳар бир байти – халқимиз учун табарруқ. Шу ҳолда, мумтоз ашулалар ижросида калтагина қаричимизни мезон деб билиб, ис-таган байтни “кесиш” давом этаётгани таажжубланар-ли. Ахир, ўша байтга зарурат бўлмаса, Алишер Навоий уни битмас эди, шекилли? Қайсидир байтни “ҳатлаб”, бошқа байтни қуйлаш Навоийни... таҳрир қилишга даъ-во эмасми? Оқибатда, Навоий нима деганини тинглов-чига етказо олмағамиз.

Назаримда, энди ҳар бир ғазалга битилган ашула-ни тўлиқ ижро этиш даври келди. Ихлос қўйган, руҳан шоирга яқин бўлганлар аштишдан асло толиқмайди.

Яна. Навоийнинг – ўзи наво. Унинг ғазаллари иж-росида кекирдакка ё гижжакка зўр бериш асло шарт эмас. Бундай қилиқлар шоир руҳига озор етказида. Ун-дан кўра, шу ғазални такрор-такрор, обдон ўқиб, руҳига кириб, самимият ва ҳаяжон билан ижро қилишга ҳеч нарса етмайди.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

29 ЯНВАРЬ – ЖЎРАХОН СУЛТОНОВ ТУГИЛГАН КҮН

Мусиқа оламида ҳар бир давр санъати ўз сарбонларига, ҳофизлик анъаналарини муносиб давом эттир-ган даргаларига, ёшларга ибрат бўла оладиган устозларига эга. Ота Жалол, Ота Ғиёс, Худойберган Мухржон, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Ҳамроқул Қори, Дом-ла Ҳалим Ибодов, Ҳожихон Болтаев, Юнус Ражабий каби забардаст санъ-аткорлар орасида бекиёс истеъдод эгаси, халқ ва мумтоз мусиқамизнинг моҳир ижрочиси, соҳир овоз соҳиби, Ўзбекистон халқ ҳофизи Жўраҳон Сул-тоновнинг алоҳида ўрни бор.

Жўраҳон Султоновнинг санъат оламига ки-риб келишига сабаб ундаги табиий истеъдод эди. Одатда, мумтоз мусиқа соҳасини танлаш учун, аввало, хонандада шунга муносиб овоз, зукко ҳамда кучли ҳофиза, баркамол тафаккур бўлиши лозим. Ёш Жўраҳонда эса бу сифатлар-нинг барчаси мужассам эди. У 12 ёшидаёқ “Энг ширин овоз соҳиби” деган номга сазовор бўлиб, эл орасида танила бошлаган. Замонасининг донгдор санъаткорлари Болтабўй ҳофиз Ража-бов ва Маматбува Сатторов сабогидан бахра-манд бўлган. Хонандалик ва созандалик сиру асрорини кунт билан ўзлаштириб, ўз даврининг билимдони Мадали ҳофиздан ялла йўллари билан бир қаторда танбур ижросини ўрганган. Катта ашула ижрочилигини назарий ва амалий ўзлаштириб борган.

Маълумки, Фаргона водийсининг мумтоз му-сиқа мероси ва ижрочилик анъаналари негизда “катта ашула” туради. Катта ашула – фалсафий жанр. Унинг асосида халқимизга хос қадриятлар ва барча ижтимоий хусусиятлар, касб тақозо этадиган овоз, билимдонлик, моҳирлик, бади-ҳағуийлик, зукколик, соз билан сўз маҳоратини намоиш этиш, ҳамнафаслик каби жиҳатлар уй-ғунликда тажассум топиши лозим. Уста санъат-корда айнан шундай уйғунлик мавжуд эди.

Жўраҳон Султонов ижрочилик амалиётида



устозларнинг устози даражасига кўтарилишга муваффақ бўлган. Бу жараёнда у ўз устозлари билан бирга, Эрка Қори Каримов, Беркинбой Файзиев, Шерқўзи Бойқўзиев, Акбар Ҳайдаров каби замонасининг етук ашулачи-ҳофизлари би-лан биргаликда фаолият юритган.

Ижодий фаолияти давомида Муҳиддин қори Ёқубов, Юсуфжон қизик Шакаржонов, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Ҳожихон Болтаев синга-ри санъат усталари ва жамоат аълоблари би-лан танишиши ҳофизнинг ижодий камолотига катта таъсир кўрсатади. Таниқли санъаткорлар Малик яллаци ва Мадали ҳофиздан Фарғонага

хос мумтоз яллаларни кунт билан ўзлаштира-ди ва замонасининг энг мукаммал асарларини ижро этиб, халқнинг эътиборини қозонади. Шу ўринда, мусиқа ижрочилигида яллалар азалдан мумтозлик жиҳатларига эга бўлганини эътироф этиш лозим.

Жўраҳон Султоновнинг фаолиятида мақом ва мақом йўлларига мансуб мусиқий намуна-лар ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу йўна-лишни даврининг таниқли ҳофизи Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов ва Содирхон ҳофиз Бобошари-пов раҳбарлигида ўзлаштиради. Устозларидан, аввало, Фарғона–Тошкент мақом йўлларида яратилган “Ушшоқ”, “Бекочка”, “Баёт”, “Чоргоҳ”, “Дугоҳи Ҳусайний”, “Шахноз Гулёр”, “Баёти Ше-розий” каби туркумларни ўрганишга муваффақ бўлади. Бу эса унинг ижрочилиқда забардаст-лик, пурмаънолик ва кўламдорлик сирларини ўзлаштиришига катта имкон яратади.

Айни пайтда, устоз санъаткор танбурнинг жуда бой имкониятларини теран тушуниб, ус-тозларнинг ижро йўлларидаги ўзига хос жиҳат-ларни синчиқлаб ўрганади. Одатда, илмни игна билан қудуқ қазигиш ўхшатишади. Санъатнинг ўлмас саҳнасида ўз ҳайкалини боқий қолдириш учун эса нохундан харсанг йўниш керак.

Катта ашуланинг шаклий ва ижровий хусу-сиятларидан келиб чиқиб, янги йўналиш ва унга мос янги асарлар яратишга муяссар бўлган санъаткоримиз катта ашуланинг эркин ижросига мусиқий чоғлуғлар жўрлигини русумга киритади.

Устоз фаолиятининг энг аҳамиятли босқи-чи, кўп йиллик ижро амалиёти асосида ўзининг шахсий ижро услубини шакллантиришга муяс-сар бўлгандир. Бу услуб нафақат ҳофиз ҳаёт-лиги даврида, балки ундан кейинги авлодлар ижро амалиётида ҳам ўзига хос услуб сифатида

камол топган. Халқимизда “Зар қадрини заргар билар”, “Асл асло хор бўлмас” каби ибратли сўз-лар мавжуд. Донишманд халқимизнинг бундай ҳикматларини Жўраҳон Султонов каби устоз-ларнинг бетақдор ижрочилик услубларига нис-батан қўллаш ўринлидир.

Жўраҳон Султонов ижодининг бугунги ку-нимиз ва келажак авлодга ибратли жиҳатлари унинг хонандалик, бастақорлик, новаторлик ҳамда устозлик фаолиятида намоён бўлади. Устознинг аскияда ҳоширжавоблиги ва устунилиги ҳам санъаткорлар томонидан эътироф этилган. У бир неча тилларни билган, мумтоз адабиётни бир умр тилдан ва кўлдан кўймаган.

Устоз санъаткор фаолияти давомида доимо адабиётимизнинг йирик намоёндалари адабий меросига мурожаат қилиб келган. Ҳазрат На-воий ғазаллари билан “Найлайин”, “Бўлмиш”, “Ҳануз”, Лутфий ғазалига “Гулузорим қани”, Ҳа-бибий сўзига “Бўлмаса”, “Минг қадам”, Муқимий сўзи билан “Ўлмасун”, Фурқат ғазалига “Оҳим, раҳм айламас”, Чустий сўзи билан айтилган “Ўзбекистоним” каби мусиқий намуналар шулар жумласидандир.

Жўраҳон Султонов репертуари халқ му-сиқа намуналари, йирик мумтоз яллалар, мақом йўлларига мансуб ва ҳофизнинг ўз ижодида оид ашулалардан иборат. Жумладан, “Бир ке-либ кетсун”, “Нома ёзмадин”, “Бог аро”, “Бир келсин”, “Ёввойи Чоргоҳ” ашулалари, “Дугоҳи Ҳусайний”, “Баёт I-V”, “Ушшоқ”, “Ушшоғи Содир-хон”, “Чор зарб”, “Чаман ялла”, “Эй дилбари жо-ноним” каби юксак даражадаги ижролари санъ-ат ихлосмандлари учун қадридир.

Жўраҳон Султоновни бемалол новатор санъ-аткор дейиш мумкин. Зеро, ўзбек мусиқа санъ-ати ривожини йўлида қилган хизматлари, яъни

жўровозликни жорий қилиши катта ашула иж-рочилигида янги услуб ва бастақорлик ижодида ўзига хосликка эришгани бунга асос беради.

Маъмуржон Узоқов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Орифхон Ҳотамов, Саодат Қобулова, Берта Да-видова, Очилов Отахонов, Зокиржон Султо-нов, Таваккал Қодиоров, Маъруфхўжа Баҳодиров сингари сеvimли санъаткорларимиз Жўраҳон Султонов ижро услуб



ЎЙ

ЗИЁЛИ КИМ?

Тилимизда “Зиёли” деган сўз бор. Бу калима қандай маъноларни ташийд, у ифодаладиган тушунчалар қаторида бугун долзарб бўлиб турган масалаларга дахлдорлик қираси борми, умуман, зиёли ким ва унинг жамиятдаги вазифаси нималардан иборат? Яқин ўтмишимизда шу сўзга муқобил тарзда “Интеллигент” калимаси фаол қўлланган, лекин ўша давр луғатларида унинг таржумаси сифатида “Зиёли” маъноси кўрсатилмаган экан.

Бу сўз ўтган асрнинг 60-йилларидан урфга кирганга ўхшайди. Негаки, 1956 йилда тарихда биринчи ва охири марта қақирилган катта машварат ҳам “Ўзбекистон интеллигенциясининг 1 съезди” деб аталган. Бу сўзларнинг келиб чиқишига эътибор берсак, “интеллигент”нинг ўзаги “интеллект” — латинча “ақл”, “зиёли” эса форсча “зиё” сўзидан ясалган. Мабодо уларнинг маъно доираларини чамаласак, кейингиси анча катта тушунчаларни қамраб олгани, кенг маъноларни ифодалоганини сезиш қийин эмас.

“Ақл”ни инсон тафаккурининг борлиқни акс эттириш қуввати, дейиш мумкин ва ақлда туғма хусусият устувор бўлади, яъни одам ақлли ва ақлсиз — ногирон бўлиб дунёга келиши мумкин. “Зиё” эса кенг тушунча, унинг ўзагида юқорида таъкидланган ёруғлик ва нур маънолари бўлганидек, ижтимоий юктамаси ҳам салмоқли. Интеллигент — ақлий меҳнат кишиси, ҳолбуки, халқимиз “зиёли” деганда фақат ақлли меҳнат кишиси ёки маърифатли зотни эмас, балки ҳар жиҳатдан ибратли, бир сўз билан айтганда, “ўзидан ёруғлик ва ҳарорат” таратаб юрвчи муътабар шахсни, сўзи ўтадиган кайновини, жамоатчиликнинг энг обрўли одамини тушунган.

Зиёлининг ўзига хос ахлоқий “кодекс”и жамият фаолияти давомида шаклланган. Бундай кишиларни жамиятимиз олдин ҳам, ҳозир ҳам кўплаб тарбиялаб етиштирган, улар қишлоқнинг, туманнинг, вилоятнинг, юртнинг тиргаги, устуналари бўлган. Бундай кишиларнинг обрўсини йиллар тўфони ҳам йиқита олмайди, уларнинг хайрли ишларини ҳеч ким унутмайди ҳам.

Зиёлилик ижтимоий табақа ёки касб эмас, балки жамиятнинг бутунлай ихтиёри, лекин қатъий талаблар асосида туҳфа этадиган эътирофидир. Ҳар қандай саводли ёки маърифатли одам зиёли бўлавермайди. Менинг тасавуриmda тарихдаги ана шундай зиёли зотлардан бири сифатида шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари гавдаланади. Ёки улуғ Алишер Навоийни ўзидан зиё таратган буюк зот дейиш мумкин. Яқин тарихимизда ҳам “бир камбағалнинг кулбасини шамчироқ бўлиб ёритиб ўтган” зиёлилар кўплаб топилади. Бундай зотларнинг хизматлари кўлами турлича, мавқелари ҳаминқадар бўлмасин, ўз зиёларини атрофга таратиб ўтган, зиёларидан атроф ёруғлик ва ҳарорат олган. Олға босаётган карвон бир йўлбошчига эҳтиёж сезганидек, жамият ёруғ кунларнинг зулматлари — турли иқриқчиларни ўз ечимини топишда шундай зотларга кучли эҳтиёж сезаверади. Ва баногоҳ талотумларга тўла замонларда зиёлилар етарли бўлганим, бугун ҳам улар кўпми, деган савол айланаверади.

Худди шундай савол билан 10-15 йиллар олдин давримизнинг бир қанча фаол зиёлиларига анкета тузиб мурожаат қилгандим. Айниқса, ўша вақтда ҳар қандай мавзуда буюртма берилса, тезликда бажариб “маърифий дастгоҳ” даражасига кўтарилган таниқли олимнинг фикрларини билишни жуда истаяндим. Аммо олимдан баногоҳ “Бир қитмир журналист менга ҳаммага маълум саволлар билан мурожаат қилаверди”, деган жавоб келганди. Муддао эса зиёлининг оддий одамлар ва раҳбарлар олдидаги вазифаларининг чегарасини билиш эди, бу ёқмагани аниқ бўлган.



Ростдан, балки замонлар оша бир савол қўндаланг турар: жамиятда зиёлининг ўрни қаерда? Қўлида катта имкониёти бор табақа билан энг оддий шафқатга муҳтож одамлар ўртасида зиёли қандай ўринни эгаллаши керак, унинг мавқеи, табиий вазифаси нимадан иборат? Ўйлаб кўрилса, бу саволларга жавоблар зиёлининг қимлигига ҳам баҳони аниқлаб беради. Ҳар жиҳатдан таъминланган табақага осойишталик керак, у шу зайдда яшаб, қитмироқ айтганда, “давру давронини суриб”, узоқ йиллар кун кўрса, шу кифоя. Оддий эътиборга, дейлик, шикоят аризасига имзо қўйдиришга ҳам муҳтож қатлам эса дасти узунлардан шафқат умид қилади, унинг хатига таъна-дашном ёки жарималарсиз “муборақ” имзонинг чекилиши ҳам унга илтифот. Муносабатларнинг ана шундай манзарасида ҳаммаси инсоф даражасида иш тута оладими? Афсуски, йўқ. Мабодо, шундай бўлганида, куч тузилмаларига, турли қонунларга эҳтиёж қолмасди.

Энди асосий саволни қўйсак бўлади: хўш, ана шундай издиҳомда ёруғлик ва ҳарорат қувватига эга бўлган ЗИЁЛИНИНГ ўрни қаерда ёки у ўзини қаерда ҳис қилади? Эътиборли томони — ана шу саволнинг жавоби бугун, ҳар доим ҳам, жамият қиёфасида асосий мезон бўлиб келган. Зиёли муҳтожнинг ҳақиқий ҳимоя қила оладими, инсофсиз зўравоннинг гирибонидан ола биладими? Баландпарвоз ибораларда таърифланганидек, ҳақиқат ҳимояси учун майдонга туша оладими?

Азалдан инсоният эришган қадриятларда адолат устуворлиги учун кураш юксак инсоний фазилат сифатида улугланган. Шуниси борки, ҳамма тирик одам атрофидаги воқеаларга парво қилавермайди. “Оч қорним — тинч қулоғим”, “Менга деса, дунёни сув босмай-дими, қулбам қуруқ бўлсин” сингари қарашлар аксарият кўпчиликнинг ҳаётий меъёри. Қолган бир ҳовучгина хушёр одамлар ҳам мурося йўлини танлайди. Жуда оз ҳақпарастлар эса ҳар доим қадр топавермайди. Ҳатто жамиятда ахлоқий меъёрлар байрон, ташазулга кетилмаётгани аниқ бўлган шароитда ҳам зиёлилар ўртада сув айирғичдек намоён бўладилар. Уларга ижтимоий эҳтиёжнинг қучлилиги шундан. Бу ижтимоий эҳтиёж кучли тарзда намоён бўлганида, омма зиёлининг сўзини кутади. Бу ўринда зиёлилик ҳақпарастликдан ҳам юқори турувчи мавқе касб этади.

Агар шундай юқори талаб билан ёндашилса, бугун ЗИЁЛИЛАР КўПМИ? Балки уларнинг оз-кўплиги жамиятнинг қиёфасини белгилаётгандир. Негаки, одамни, демак, жамиятни ФИКР бошқаради. Тасаввур қилинг: бир одам ёмғир тагида шалаббо бўлиб турибди. Унга ёпинчиқ олиб бориб беришди, ту-

раверди. Сув, нон тутишди, тураверди. Хуллас, миясига ёмғирдан қочиб, панага ўтиш керак, деган ФИКР келгунча тураверди. Мана шу жўн мисолнинг ўзи одамнинг уст-бошини ўзгартириш, қорнини тўйдиришдан олдин фикрини ўзгартириш кераклигини тасдиқламайптими? Зиёли қавми ана шу миссияга йўналтирилган табақа!

Демак, жамият қандай бўлса, зиёли шундай бўладими ёки зиёли қандай бўлса, жамият шундай бўладими? Бу сўроққа жавоб беришдан олдин, юқорида таъкидланганидек, ҳақиқий зиёлилар борми, бор бўлса, уларнинг мавқеи, уларга жамиятнинг, демак, давлатнинг эътибори қандай, деган саволларга жавоб топиш керак бўлади. Зиёли ва жамият ҳодисаси — бир-бирига ички занжир билан боғланган яхлит узвийлик. Зиёли жамиятдан ташқари бўла олмайди, жамият зиёлисиз мукаммал эмас.

Табиий, муҳокама йўналиши “давлат қандай зиёлига буюртма берапти”, деган саволга бориб етаяпти. Ўша жавоб бериш эриш туюлган анкета саволлари қаторида шундай сўроқ ҳам бор эди: “Жамият зиёлига қандайдир даражада буюртма бериши ёки фаол ҳаётга жалб этилиши мумкинми? Умуман, кейинги йигирма йил давомида бу борада қандай тенденциялар кўзга ташланди ва уларнинг натижаларига муносабатингиз қандай?” Бу саволга ўшанда ҳам, ҳозир ҳам жавоб бериш осон эмас. Чунки жамиятнинг қиёфаси ҳам, кайфияти ҳам ўзгариб туради. Жамиятнинг табиати қандай: у энг замонавий талаблар асосида ривожланаётган юқори босқиндами ёки ҳали халқ манфаатлари тўла юзага чиқмаган, ижтимоий муносабатлар шаклланмаган ибтидоий босқинчдами? Муҳокаманинг энг юқори ва энг қуйи чегарасида жами сўроқларга жавоб топиш учун аниқ бир ҳаракат лозим бўлади. Ана шу қўзғатувчи ҳаракатни биз анчадан бери турли штрихлар билан суратини чицаётган зиёлилар амалга ошириши талаб этилади! Мана, гап нимада?!

Йўл излаган оломон қоронғи ўрмонда адашиб қолади ва танида эркинлик ҳисси жўш урган бир йигит юрагини суғуриб, унинг ёруғи ва ҳароратида халқни зулматдан қутқаради. Вазиятнинг бадийи ифодаси шундай, бу 120 йил олдин иншо этилган. Орадан бир асрдан кўпроқ вақт кечган, моддиятда, техник тараққиётда одамзот мислсиз ютуқларни қўлга киритган бўлса-да, ана шу космик парвозлар қанотида худди чигирткадек яшириниб, ўша ибтидоий манзара яшаб қолаверар экан, ҳар доим Данколарга эҳтиёж бор. Фақат бугун бошқа бир қиринишда ва манзарада.

Эътибор беринг: йўл бўйидаги бир тандиракбоб ошхонасида ҳар кунги уч юз қўй сўйилиб, ўчоққа осилар экан. Унга навбат тош йўлида уч-тўрт қақиримга чўзилган. Ўрмонда адашганлар-ку, босқинчининг зулмидан қочиб, кейин йўл топа олмай қолганлардир; қуппа-қундузи қорин, аникроғи, нафс қутқусида ҳил-хил пишган этга нашаванд бўлгандек узун навбат қаторлари орасида адашиб юрганларнинг фожиаси ундан ўн-юз баравар баттар эмасми? Инсонки, бизнинг замондошимизки, шу даражага тушган экан, ким(лар)дир юрагини аланга қилиб, оломонни бу ҳолатдан — нафс уммонидан қутқариши лозим эмасми? Юз йиллар олдин жадид боболар қон қусиб такрорлаган ҳолат — “бу халқ маърифатга ошга тургандек навбатда турганида эди”, бугун дунё унинг илкида бўлмасмиди? Ахир қандай даҳолар ана шу тупроқда кўз очиб, улғайиб, дунёни олган-ку! Эҳ, босқинлар, бўлинишлар, репрессия коррупциялар гулдек ватани не ҳолга солди-я? Бу изтиробни кимлардир юрагидан ўтказаятгандир...

Жамият бошқарилиши қийин бўлган оғир қарвон. Унинг эҳтиёжларини қондирадиган воситалар унинг бағрида пайдо бўлиб, дунё юзини қўриб, амалиётга киргунча йиллар, ўн йиллар осонгина ўтиб кетади. Йўли жуда узоқ бўлган қуёш зиёсига, ҳароратига эса ҳар доим эҳтиёж бор. Жамиятда кечаётган ўзгаришларни таҳлил қилиб, тўғри йўналишга даъват этувчи зиёлилар эса ҳар доим фаол бўлмоқлари тарихий зарурият.

Агар миллатнинг зиёлилари бўлмаса, демак, бу кулбанинг чироғи ўчган, унинг тириклик оламида яшashi мумкин эмас. Ҳаракат — борлик, мавжудлик; ҳаракатсизлик эса йўқлик, йўқолиш. Ҳеч ким ўзича йўқолиши хоҳламайди!

Ҳақим САТТОРИЙ



ТАРИХ ВА ТАҚДИР



ХОНЗОДА ЖАДИД БЎЛГАНМИ?

Жадид ҳаракати ҳақида сўз кетганида, кўпчилик асосан зиёлиларни тасаввур қилади. Тўғри, Туркистонда жадид ҳаракати пайдо бўлиши ва мустаҳкам илдиз отишида зиёли инсонлар: шоир-ёзувчилар, муаллимлар, уломолар, матбуот ходимлари ўз ҳаётларини тахлика ҳолиб бўлса-да, олдинги сафларда тургани аини ҳақиқат. Аммо бу билан жадидлик фақат даврнинг маълум бир қатлами вақиллари ҳаракати эди, деган хулоса чиқмайди.

Биламизки, бу ҳаракатга Хива хонлигининг бош вазири Ислонхўжа, хонлиқдаги энг йирик Хонқа беклиги ҳокими Муҳаммад ҳожи Аминаддин ўғли ва бошқа турли мансаб ва мақомдаги шахслар ҳам хайрихоҳ бўлган. Туркистонда жуда катта таъсир қучига эга бўлган машҳур биринчи ўзбек генерали Жўрабек Қаландар қори ўғли ҳам жадид ҳаракатининг фаол қўлловчиларидан бўлганини эслатиб ўтиш жоиз.

...1931 йилнинг қаҳратон қиш кунларидан бирида “ГПУ-НКВД” бирикли томонидан ҳибсга олинган фуқаро Фансуруллоҳ Худойёров муттасил қийноқлар натижасида турмада вафот этади ва ортидан ҳеч ким сўраб келмагани (аслида, вақтида хабар қилишмагани) учун ҳибсхона ходимлари томонидан умумқабрга дафн қилинган. Ўз даврида бутун Туркистон ўлкасида таниқли бўлган қадим сулола вақилининг совет ҳибсхонаси расмий ҳужжатларида ростакими-га русча исм-шарифда қайд қилингани ҳам даврнинг қўрқинч қиёфасини акс эттиради.

Хўш, ногоҳ ҳибсхонага ташланган ва инсон боласи кўрмаган қийноқларга солиниб, 59 ёшида жон таслим қилган бу зот ким эди?

Тарихдан маълумки, Қўқон хони Худойёрхон Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман фитна-сига учиб, чор маъмуллари билан ўзаро сулҳга рози бўлади. Тошкентда имзоланган сулҳ ҳақидаги хабар хондан олдин Қўқонга етиб боради ва азал-азалдан қўлличини ўз ихтиёри билан бўйнига илмган ватанпарварлар хонга қарши исён кўтаради. Халқ кўзго-лонига хоннинг энг ишончли маъмуллари ва икки ўғли — Насриддинбек ва Муҳаммад Аминбек қўшилиди. Қўзғолончилар Қўқонни эгаллагач, Худойёрхон Хўжанда қочади ва Насриддинбек хон деб эълон қилинади.

Бобомерос тахт қўлдан кетганини анлаган Худойёрхон икки хотини ва уч нафар кичик ўғли — Ўрмонбек, Фансуруллоҳбек ва Ибн Яминбекни ёнига олиб, фон Кауфмандан мадад излаб Тошкентга келади. Тахтсиз тирик хон ҳамиша мустамлакачи салтанат учун хавф эканини билган фон Кауфман Худойёрхонни “Петербургда оқшош ҳазратлари сизни кутмоқда”, деган ёлғон билан йўлга отлантиради, аммо хон ва унинг оиласини Оренбургда тўхтатишда ва уй қамоғига сақлашади.

Худойёрхон фитнага алданганини кеч бўлса-да англайди ва икки йилдан сўнг бир амаллаб сургундан қочиб, Саудия Арабистонига йўл олади. У ҳаж зиёратидан сўнг юртга қайтаётганида, Мозори Шариф шаҳрида вафот этади. (Айрим манбаларда ўлдирилгани ҳақида маълумотлар келтирилган).

Оренбургда қолган Оғача ошми эри — собиқ хон вафотидан хабар топган, Тошкентга қайтади ва шаҳарнинг Занжирли маҳалласида ўғиллари Фансуруллоҳбек ва Ўрмонбек билан яшай бошлайди. Ўрмонбек 1883 йили 18 ёшида касалликдан вафот этади.

Фансуруллоҳбек дастлаб рус-тузем мактабида ўқийди, кейинчалик Эшонқули додхон мадрасасида тахсил олади. У мадрасада тахсил олиш жараёнида аруз илмини чуқур ўзлаштиради ва ўзи ҳам ғазал ва мухаммаслар ёза бошлайди. Хисрав тахаллуси (у ўзига бевақт вафот этган ўғлининг исмини тахаллус қилиб танлаган) билан ижод қилган хонзаданинг қўллаб асарлари XIX аср охири — XX аср бошларида тартиб берилган қўлёзма ва тошбосма баёзларда учрайди.

Отаси, ака-укалари ва ўзининг бошига тушган қулфатлар Фансуруллоҳбекни юртни мустақил қўриш орзусида раиятнинг маърифатга чорлаб майдонга чиққан жадидларга яқинлаштирган бўлса, не ажаб. Бир неча тилни мукамал билган, наср ва назмда яшшигина қалами бор Фансуруллоҳбек илк жадид матбуоти шаклланишида фаол иштирок этади.

Эътиборлиси, 1907 йилда Мунаввар қори ношир ва муҳаррир сифатида жадидларнинг ўлкадаги илк газеталаридан бири — “Хуршид”ни чоп қилдира бошлаганида, унга қадрдон дўсти Фансуруллоҳбекни ҳам тақлиф қилади. Яна бир аҳамиятли томони, шаҳзаданинг инилари Муҳаммад Аминбек ва Ибн Яминбек “Туркистон вилоятининг газети”да узоқ вақт ҳамкорлик қилиб, унда турли мазмундаги хабар ва

мақолалар билан қатнашган. Жадидларнинг илк газетаси “Хуршид” миллатни уйғотувчи ўткир мақолалари билан чор маъмуллари юрагига ваҳима солади ва тезда ёпилади. Шундан сўнг Фансуруллоҳбек жадидларнинг бошқа вақтли нашрларида ҳам фаол қатнаша бошлайди.

Хонзаданинг жадидларга қўшилгани ва вақтли матбуотда фаоллиги чор маъмуллари пайтавасига қурт туширганки, Тошкент шаҳри ҳокими Николай Малицкий 1910 йилда Петербургдаги махфий хизмат маҳкамасига ушбу мазмундаги “чакув” юборган: “Фансуруллоҳбек Худойёрхоннинг шуҳалли қарашлари учун Туркистондан чиқиб кетишга мажбур қилинган Фуқратнинг мухлиси, у билан Тошкентдагида бир неча бор уйда, кейин Жўрабекнинг Қорасувдаги боғида суҳбатлар курган. Туркистон истиқлолини истайдиган шахслар билан борди-келди қилади. Жадид матбуотида шоир ва журналист сифатида қатнашиб келади. Ёши 35-40 ларда, тарбияли, маълумоти олий, шахзодаларга хос назокатли. Русча гапирди ва ёза олади, дунёқарашиниқлобий. Бир ўғли ва икки қизи бор”.

Фансуруллоҳбек Фуқратнинг яқин дўстлари қаторида бўлганини шоирнинг Ёркандда мажбуран вақтан тутганида ўзаро мактублар алмашишгани, шоир Истанбулга саёҳати вақтида битган “Сабога хитоб” номли шеърый мактубида 28 нафар ҳамфикр, маслакдош дўстлари қаторида унга атаб 11 байтини бағишлагани тасдиқлайди. Бу шеърый мактуб 1892 йилда “Туркистон вилоятининг газети”да чоп қилинган. Унда қуйидаги гўзал сатрлар бор:

Беғим, жоним, афандим Фансуруллоҳ,
Зиҳи шахзодаи зул изазул жоҳ,
На ман танҳо, улус шахзодаасидир,
Ҳама шахзодалар озодаасидир.
Қириб кўргонда ер ўпқил, дуо қил,
Қўнганга хоки пойин тўтиш қил.

Лекин шоирнинг шуъролар даврида чоп қилинган китоблари, жумладан, “Танланган асарлар”ига ушбу байтлар “сигмай қолган”. Сабаби, унинг хонлар авлодидан эканигина эмас, балки жадид ҳаракатининг энг фаолларидан бирига айланганида эди.

Фансуруллоҳбек 1930 йилда дўсти ва қадрдони Мунаввар қори Абдурашидхоннинг ҳибсга олинган, боши узра қора булутлар пайдо бўлганини сезади ва исм-шарифидан “бек” сифатини олиб ташлашга мажбур бўлади. Қолаверса, 1906 йили аини қиш чилласида Қорасувдаги уйда генерал Жўрабек кимлар томонидан, нима мақсадда ўлдирилганини яхши билар, уни биринчи ўзбек генерали билан фақат ғоялар эмас, оилавий ришталар ҳам боғлаб турарди. Фансуруллоҳбек генералнинг қизига уйлانган, қайноғаси полковник Оллоқулибек билан яқин биродарга айланганди. 1916 йилги мардикорликка қарши исёнларга алоқадор сифатида Оллоқулибек ҳам анча вақт ҳибсда сақланади. У кейинчалик қуёвга бошидан кечирган воқеалар ҳақида қўп маҳрам гурунлар берган бўлиши ҳеч шубҳасиздир.

Қисматни қарангки, генерал ҳамда хон авлодига алоқаси бор барча онгли инсонлар турли даврларда қатагонга учрайди. Полковник Оллоқулибекни 1936 йилда номаълум қимсалар ўлдириб кетади ва отасининг қотиллари топилмагани каби, ўғлига тиг қўтарганлар ҳам сирлигича қолади.


Замондошларнинг хотиралари, шунингдек, Шоҳруҳбек Умаровнинг “Худойёрхон авлодлари тарихи” китобида эслатилишича, Фансуруллоҳбек Қўқон мухторияти тузилишида ҳам фаол қатнашган, мухторият қонга ботирилганг узлатга чекиниб, вақтли матбуотда кўринмай қолган.

Худойёрхоннинг ўн бир нафар фарзанди бўлиб, улар чор мустамлакаси ва советлар даврида қўп азоб-уқубатларга дучор қилинган. Қизлари умрлари охиригача хон авлодидан эканликларини айтишдан қўрқиб яшаган бўлса, ўғил фарзандларининг барчаси фитна ва қатагонларга учраган. Хоннинг ўн бир фарзанди орасида энг кўп умр кўрган айнан Фансуруллоҳбек — у 1931 йилда 59 ёшида ҳалок бўлган.

Сўнгги хон авлодлари орасида фақат Фансуруллоҳбек шеърятга ошно бўлди ва бир қатор гўзал ғазаллари, Навоий ва Фузулий ғазалларига битган беназир мухаммаслари билан танилди. Айнан шеърятга ихлос уни жадидларга яқинлаштирди, у бутун умрини юртни озод қўроқ орзусидаги ғояларга бахшида қилди.

Хива хонлари шаҳарасидан бўлган шоир ва муסיқашунос Комил Хоразмий руҳан жадидларни қўлласа-да, жисмонан улар тарафига тўлиқ ўтмади. Бунинг бевоисита ва билвосита сабаблари бор. Демак, Фансуруллоҳбекни уч хонлиқда ҳўкм сурган сулола вақиллари орасидан етишиб чиққан ягона жадид хайрихоҳи деб бемалол айта оламиз.

Рўзимбой ҲАСАН



“Инсон жамият ва давлатнинг қўламли манфаатлари учун қанчалик фойда келтирса, у шу қадар баркамолдир.

Дмитрий МЕНДЕЛЕЕВ

”



Бошланиши 1-саҳифада.

Шунинг учун ҳам, юксак савияда амалга оширилган таржима муайян халқнинг маданияти ва тамаддунини жаҳон ҳамжамиятига муносиб тарзда тақдим эта олади.

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асари ўзбек замонавий адабиётида ёзилган ilk роман сифатида эътироф этилади.

Асар ўзбек адабиётида роман жанри ва тафаккурининг бошланишини намойён этибгина қолмай, балки ижтимоий ва тарихий мазмун ила ғояси билан ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Абдулла Қодирий замонавий ўзбек адабиёти ривожланиш босқичига ўтиш жараёнида катта таъсир кўрсатган етук ёзувчи сифатида танилган. У жамиятда суннат ва янгилашни ўртасидаги тўқнашувлар, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар ҳамда ахлоқий муаммолар халқ ҳаётини қамраб олган мураккаб бир даврда ижод қилган эди.

“Ўткан кунлар” романи XIX аср ижтимоий воқеаларини танқидий ва таҳлилий нуқтаи назардан ёритади. Асар реалистик услубда ҳамда қаҳрамонларнинг руҳий таҳлили орқали ёзилган бўлиб, нафақат роман жанридаги асар, балки муҳим бўлган ижтимоий ва тарихий ҳужжат сифатида ҳам муҳимлиги эътироф этилади.

Мазкур роман баён жиҳатидан ўзига хос услубга эга бўлиб, турли тилларга таржима қилинган ва шўхрати дунё халқлари ўртасида кенг ёйилди. “Ўткан кунлар” тожик, рус, украин, тотор, озарбайжон, қозоқ, қорақалпоқ, туркман, уйғур, немис, араб ва бошқа тилларга таржима қилинган. Зикр этилганлардан тожик тилидаги таржимаси биринчи бор адиб Абдусалом Дехотий томонидан амалга оширилган, аммо турли сабабларга кўра чоп этилмаган. Кейинчалик, тажрибали ёзувчи ва таржимон Истад Қосим томонидан таржима қилиниб, “Рўзгори мозӣ” номи билан китоб шаклида чоп этилган ва тожикзабон ўқувчилар қўлига етган.

Энди эса, мазкур роман истеъдодли адиб ва малакали таржимон Юнус Имомназар томонидан форс тилига ўғирилди ва “متشگه رازگور” (“Рўзгори гузашта”) номи билан Техрондаги

“Хирадгон” нашриётида 490 саҳифа ҳажмда, Суҳайло Юсуфий муҳаррирлигида нашр этилди.

Айтиш лозимки, асарнинг форсий-га таржимаси осон иш эмас, балки

ёзувчиларининг қисса ва ҳикояларини қамраб олган.

Аввало, мутаржим мазкур ўғирмаларни амалга оширад экан, замонавий ўзбек насрига чуқур кириб борган

“Ўткан кунлар” форс тилида



оғир ва машаққатли фаолият ҳисобланади. Юнус Имомназар бу йўлда катта меҳнат ва матонат билан ўз мақсадига эришган. Ҳажм жиҳатидан асарнинг салмоғи, ҳар бир сўз ва иборанинг зарофати ва миллийлиги баробарида аслий матн мазмунини сақлаган ҳолда таржима қилиш мажбурияти бу ишни янада мураккаблаштирган.

Бу таржима Юнус Имомназарнинг ўзбек адаблари ижодида илк тажрибаси эмас. У бундан олдин “Хирмани суҳан” номли учта таржима китобини нашр қилган бўлиб, улар қирқдан ортиқ машҳур ўзбек

ва қардош адибларнинг услубини мукаммал ўрганган. Ушбу амалиёт “Ўткан кунлар” романини таржима қилинишида асқотган.

Иккинчидан, равшан кўриниб турибдики, тилмоч форс замонавий насрининг услуби, сўз ва ибораларнинг нозик жиҳатларини теран ҳис этган ҳолда ўзбек мақол-зарбулмасаларига мос келадиган форс муодилларини ўринли қўллай билган. Асарнинг форсий муҳитида нашр этилиши ўқувчига замонавий ўзбек адабиётининг шох асарларидан бири билан танишиш имконини беради ҳамда халқлар ўртасидаги маданий

алоқаларни мустаҳкамлашда хизмат қилади.

Ушбу таржиманинг муҳим хусусиятларидан бири китобнинг тузилишидир. Асар таржимон томонидан тайёрланган адибнинг қисқача ҳаётий шарҳи билан бошланади. Бу қисм алоҳида аҳамиятга эга, чунки Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва фаолияти билан таниш бўлмаган форсий ўқувчи тарихий ва адабий муҳитни яхши илғай олмаслиги мумкин.

Маълумки, Қодирий тарихий саналарни алоҳида назорат билан кўрсатади — йилларни қамарий-ҳижрий тақвимга мувофиқ ва ойларни шамсий-ҳижрий тақвимга мувофиқ келтиради. Таржимон эса уларни махсус формула орқали аввал Эронда кенг қўлланиладиган шамсий-ҳижрий йил ҳисобига, сўнгра эса милодий йил ҳисобига ўтказди.

Таржиманинг тили равон бўлиб, ўқувчининг завқига мос келади. Кўп ҳолатларда таржимон сўзма-сўз таржимадан ўзини тийиб, бундан кўра ҳис-туйғулар, ижтимоий муҳит ва муаллифнинг услубини етказишга уринган. Бу усул “Ўткан кунлар”нинг ҳам лингвистик, ҳам эстетик хусусиятларини намойён қилади.

Юнус Имомназарнинг таржима маҳорати нафақат асл мазмунга содиқликда, балки адабий ва эстетик фазони яратишда ҳам намойён бўлади, бу эса ўқувчини қаҳрамонлар ва роман муҳити билан улар яшаган вақт ва маконда бирлаштиради.

Қувонарли жиҳати шуки, “Ўткан кунлар” романи мазкур таржима орқали дунё миқёсида кенгроқ тарқалиб, мухлислари сонини оширади. Чунки форс тилида сўзлайдиганлар нуфуси миллионларни ташкил қилади ва дунёдаги кўп китоб мутолаа қиладиган халқлар сафига кирди.

Таржима маданий ва адабий кўприк бўлиб, адабиётнинг асосий вазифасини — дил ва маданиятларни боғлаш ҳамда инсон тафаккурини ривожлантиришдек олий амални бажаради.

Далершоҳ НЕЪМАТОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг магистранти

НУҚТАИ НАЗАР



ҲАЛОЛЛИК ВА АДОЛАТ

эскирган тушунчами?

“Барқарор жамият” деганда, одатда, иқтисодий ўсиш, сиёсий тизимнинг мустаҳкамлиги ёки хавфсизлик масалалари тилга олинади. Бироқ тарихий тажриба ва ижтимоий таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу омиллар ўз-ўзидан барқарорликни таъминламайди. Иқтисодий ресурслар етарли бўлган, аммо маънавий меъёрлар заифлашган жамиятларда инқироз, норозилик ва ички зиддиятлар юзага келган ҳолатлар кам эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, барқарорлик фақат ташқи тизимлар билан эмас, жамият аъзоларининг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи маънавий устунлар билан таъминланади. Бу устунлар инсон хулқ-атворини ички назорат орқали бошқаради, ижтимоий муҳитда эса умумий меъёрларни шакллантиради. Ана шундай асосий маънавий таянчлар орасида ҳалоллик ва адолат алоҳида ўрин тутаяди. Янги Ўзбекистон тараққиёти ҳақида сўз кетар экан, унинг маънавий архитектурасида айнан шу икки қадриятнинг ўрнини қайта-қайта таҳлил қилиш зарур.

Ҳалоллик, аввало, инсоннинг ички назорати, яъни виждони билан боғлиқ ҳолатдир. У ташқи мажбурият билан эмас, ички масъулият билан амал қилади. Ҳалол инсон суиистеъмолга мойил бўлмайди, омонатга хиёнат қилмайди, ҳақидан ортигини ўзиники деб билмайди. Бу хусусиятлар яқна шахс доирасида қолиб кетмайди: улар оила муҳитига, касбий муносабатларга ва охир-оқибат, жамиятнинг умумий ахлоқий иқлимига ижобий таъсир қилади. Ҳалоллик ижтимоий муҳит орқали шаклланидиган фазилатдир. У қўллаб-қувватланган, рағбатлантирилган жойда кучаяди, бефарқлик ҳукм сурган муҳитда эса сўниб боради.

Аждодларимиз ҳалолликни фақат мол-мулк муносабатлар билан чекламаган. Илмда ҳолислик, сўзда ростгўйлик, ниятда поклик, хизматда масъулият алоҳида қадрланган. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисларда ҳам ҳалол ризқ ва омонатдорлик ижтимоий барқарорликни таъминловчи энг муҳим фазилатлар сифатида таъкидланади. Ҳалоллик шахснинг ички дунёсига дахлдор бўлса, адолат жамият ҳаётини тартибга солувчи умумий меъёр вазифасини бажаради. Адолат устувор бўлган жойда қонунийлик мустаҳкамланади, фуқаролик ҳамжиҳатлиги шаклланади, қонунга муносабат мажбурият эмас, эҳтиёжга айланади. Тарихда инқирозга учраган давлатларнинг аксариятида иқтисодий ресурслардан кўра адолат мезонларининг заифлашиши ҳал қилувчи омил бўлган.

Адолатни фақат суд ёки жазо механизми сифатида тушуниш унинг мазмунини чеклайди. Аслида, у имкониятларда нисбий тенглик, меҳнат натижасини ҳолис

баҳолаш, инсон қадрига ҳурмат ва ижтимоий мувозанатни сақлаш каби кенг тушунчаларни ўз ичига олади. Алишер Навоий ҳам ўз ижодида адолатли бошқарувни давлат барқарорлиги ва халқ фаровонлиги учун асосий шарт сифатида қабул қилади. Адолатсизлик эса ижтимоий зиддият ва муҳим ресурсларнинг заифлашишига олиб боришини таъкидлайди.

Замонавий ижтимоий фанларда ҳам ҳалоллик ва масъулият жамият барқарорлигининг муҳим омил сифатида қаралади. Ижтимоий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўзаро ишонч муҳити шаклланган, муомалада шаффофлик устувор бўлган жамиятларда иқтисодий ўсиш суръатлари ҳам, ижтимоий ҳамжиҳатлик даражаси ҳам юқори бўлади. Чунки бундай жамиятларда одамлар ўз энергиясини ҳимояга эмас, ҳамкорлик ва ривожга сарфлайди.

Шу маънода, ҳалоллик ахлоқий фазилат билан чекланмайдиган ижтимоий ресурсдир. У вақтни тежайди, келишмовчиликларга ўрин қолдирмайди, ўзаро ҳамкорликни оsonлаштиради. Адолат эса ушбу ресурсни тўғри тақсимлайдиган, унинг самарали ишлашини таъминлайдиган механизм вазифасини бажаради. Бири ички маънавий соғломликни, иккинчиси эса ташқи мувозанатни таъминлайди.

Глобаллашув даврида манфаатпарастлик, тез келадиган фойда ортдан қувиш, маънавий бўшлиқ каби омиллар айнан шу қадриятлар учун жиддий синов бўлиб турибди. Шу сабабли, барқарорликни таъминлаш фақат иқтисодий ислохотлар ёки ҳуқуқий чоралар билан чекланиб қолмаслиги лозим. Масалага маънавий-маърифий ёндашув, айниқса, ёш авлод онгига ҳалоллик ва адолатни ҳаётий меъёр сифатида шакллантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳалоллик ва адолат ҳеч қачон эскирмайдиган ижтимоий заруратдир. Бу икки тушунча кимгадир юкланадиган широк ёки фақат давлат зиммасидаги вазифа эмас. Улар ҳар бир инсоннинг қундалик қарорларида, касбий фаолиятида ва ижтимоий муносабатларида намойён бўладиган шахсий масъулиятдир. Жамият барқарорлиги юқоридан эмас, инсоннинг ўз виждонидан бошланади. Ҳар ким ўз бурчини ҳалол адо этса, адолатни фақат талаб қилмай, ўзи ҳам унга риоя этса, жамиятдаги қўллаб муаммолар ўз-ўзидан ечим топади.

Шу маънода, барқарор жамият қуриш йўли узокдан эмас — ҳар биримизнинг виждонимиздан, ҳалол ниятимиздан ва адолатли амалиямиздан бошланади. Ана шу йўлни танласак, жамиятимиз фозил, келажакимиз порлоқ бўлади.

Шовосил ЗИЁДОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор

КЕЛАЖАК ОВОЗИ



ЖАДИДЛАР РУҲИ САҲНАДА

ЖАҲОН АЙВОНИДА

КЕЛИШУВ УЧУН ТАҲДИД
АҚШ президенти Дональд Трамп Эрон ядровий келишувни қабул қилмаса, Техронга қарши ҳарбий зарба берилиши мумкинлиги билан таҳдид қилди. Бу ҳақда у Truth Social ижтимоий тармоғида баёнот берган.



Трамп Эронни имкон қадар тез музокаралар столига ўтириб, ядровий қуролсиз, адолатли ва тенг ҳуқуқли битим тузишга чақирган. Унинг сўзларига кўра, муҳлат тугаб бормоқда ва агар келишувга эришилмаса, кейинги зарба 2025 йилнинг июнида ўтказилган “Ярим тун болғаси” операцияси доирасидаги ҳужумлардан ҳам кучлироқ бўлади. Уша пайтда АҚШ ҳаво ва денгиз кучлари Эроннинг ядровий объектларига зарба берган эди.

ОЛТИН НАРХИ ЯНА ОШИДИ
Олтин нархи бир Троя унцияси учун 5,5 минг доллардан ошиб, тарихий рекордни янгилади. Бу ҳақда Bloomberg хабар берди.



АҚШ долларининг қадрсизланиши, шунингдек, инвесторларнинг облигациялар ва валюталарни хавфли активлар деб баҳолаб, олтинни афзал кўраётгани фонида қимматбаҳо металл нархи кетма-кет тўққиз кундириқ рекордлар қайд этмоқда. Бир кун ичида олтин нархи 3,2 фоизгача ошди. Сотех биржасида бир унцияси 5584,3 доллардан баҳоланди.

БОЛАЛАРГА ИЖТимоий ТАРМОҚЛАР ЧЕКЛОВИ
Озарбайжон Миллий Мажлисида болаларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланишини тартибга солиш масаласи юзасидан парламент эшитувини ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.



Ушбу таклиф билан депутат Хижран Хусейнова ўзи раҳбарлик қилаётган Оила, аёллар ва болалар масалалари қўмитаси йиғилишида чиқиш қилган. Мажлис давомида “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама этилган.

МИГРАНТЛАР РОССИЯНИ ТАРК ЭТМОҚДА



2026 йил бошига келиб Россия ҳудудига бўлган хорижий фуқаролар сони 5,7 миллион кишигача камайди (10 фоиз).

Бу ҳақда мамлакат Ички ишлар вазирлиги Миграция хизматининг таҳлилий бошқармаси бошлиғи



Бошланиши 1-саҳифада.

Бу ғоя XX аср бошларидаёқ Маҳмудхўжа Бехбудий томони-дан илгари сурилган эди.

Шу тариқа “Кўмак” жамияти ташкил этилиб, 1922 йилнинг ку-зида Туркистондан 70 дан ортиқ талаба Германияга таҳсил олиш учун юборилди. Қайд этиш жоиз-ки, уларнинг 55 нафари Бухоро Халқ Республикасидан эди. Бу-гун ҳикоя қилмоқчи қаҳрамони-миз – муҳандис Омонулла Нусратуллаев ҳам айнан шу ташаббус доирасида хорижга йўлланган ёшлар сафида эди.

Уша дамда Берлиндаги Олий қишлоқ хўжалик мактабида ўқиётган биринчи ўзбек агроно-ми Абдуваҳоб Муродийнинг “Кў-мак” уюшмаси бошлиқлари отига йўллаган хати жадид боболари-мизнинг илмини қанчалар юксак тутгани ва унинг ёшлар ҳаётига таъсири борасида тасаввур бе-ради. Унда, жумладан, шундай дейилади: *“Илм-маорифда Ов-рупода биринчи бўлган Герма-ния дорулфунунларида бутун дунёдан, ҳатто татарлардан ўнлаб, турклардан эса мин-глаб талабалар бўлгани ҳолда, бизнинг Туркистондан мендан бошқа талабанинг бўлмаслиги юрагимни парчаламоқда, бош-қаларга ҳасад сезгисини уйғот-моқда эди. Мана сизларнинг бу ҳайрлик муборак ташаббусин-гиз бир йилдан бери кулмага-н кўнглимни қулдирди ва руҳимга жон берди”*.

Тилшунос ва фольклоршунос олим Ғозӣ Юнус “Шарафлик кў-мак” мақоласида битганидек: *“... эски идора вақтида илм йўлида кўрган тўсуқларимиз тўғрисида кўп ёздик, кўп қичқирдик, ниҳоят қуруқ шовқун-сурондан фойда чиқмаслигини тушуниб амалий сувратда ишқа бошладик”*. Мана шу амалий суврат қаҳрамонимиз ҳаётида кўп жиҳатдан ўз сўзини айтди...

Омонулла Нусратуллаев 1906 йили Бухоро шаҳрида туғилган. Унинг болалиги ва ўсирлик йиллари Туркистонда ижтимоий ҳаёт, таълим ва тафаккур ўзга-ришлари авж олган даврга тўғри келди. У дастлаб Бухорода жа-дид мактабида, сўнг мадрасада таълим олди. “Кўмак” томонидан ўқишга юборилар чоғи у ҳали ўн олти ёшда эди. Германияда етти йил (1922–1929) таҳсил олди. Олдинига Лейпциг шаҳридаги

ЭҲТИРОМ

Эл назарига тушган таниқли адабиётшунос, филология фан-лари доктори, профессор Баҳо-дир Каримни унинг китоблари орқали таниганман. Олимнинг ки-тобларидан бирига сўзбоши ёзган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг бир фикри эътибор-имни тортган: “Китобга жамлан-ган мақолаларни ўқиб чиққач, мен муаллифнинг ўзини “Имтиҳон ол-дидаги одам” деб атадим. Чунки ўқувчига бир гап айтмоқчи бўлган ҳар бир қалам аҳли ўзини имти-ҳондаги талаба мавқеида се-зиб, ҳаяжонланади... Ҳеч имтиҳон топишрганмисиз? – деб сўраяпти китоб муаллифи. Бугун имтиҳон топишарётган одам у сиздирсиз, балки мендирман. Баҳарнав, им-тиҳондан омон ўтайлик”.

Олимнинг барча асарларини хушёр ўқиш одатимга айланган. Ёзганини идрок этолмай қолшидан чўчиб тураман. Ёрни, унинг асарларини ўқиш ҳам мен учун маъ-лум маънода бир имтиҳондир. Чунки олим ҳар бир асар таҳлиliga ўзига хос услубда ёндашади. Бу, айниқса, буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” аса-ри юзасидан олиб борган тадқиқотларида яққол намён ё бўлади. Умуман, олимнинг ушбу роман борасида амалга оширган тадқиқотларининг ҳар бири чинакам каш-фиёт, десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Шундай тадқиқотлардан бири “Ўзбекис-тон адабиёти ва санъати” газетасининг 2013 йил апрель ойида эълон қилинган. “Бобурнома”дан “Ўткан кунлар”га” мақола-сини ўқиб, ундаги тиниқ мушоҳадалардан ҳайратга тушганман. Номлари зикр этил-ган ҳар икки мухташам асарнинг мазмун-мундарижаси ўз замонасининг руҳоний ва ижтимоий-сиёсий муҳи-тида қиёсланиб, юксак маҳорат билан таҳлил этилгангани қуриб, беихтиёр, Абдулла Қодирий “Бобур-нома”ни ўқий-ўқий ёд олган бўлса керак, деган тасаввурга борасиз.



машинасозлик мактабида ўқиди. Берлинда тўрт ойлик тил курси-ни тамомлаб, амалий тажриба орттириш мақсадида Людвиг-Ле машинасозлик заводига ишга жойлашди. Ушбу йилларда тех-ника ва муҳандислик фанлари баробарида, Европа таълим ма-данияти, иш услуби, фикрлаш тарзини ҳам ўзлаштирди.

1929 йилда Омонулла Нусра-туллаев Германиядаги таҳсили-ни тугатиб, ватанга қайтди. Бу даврда мамлакатда техник соҳа-ларни ривожлантириш масаласи кун тартибига чиққан, темир йўл хўжалиги, саноат ва ишлаб чиқа-риш учун билимли кадрларга эҳ-тиёж кескин ортган эди. Хорижда мутахассис сифатида шакллан-ган Нусратуллаев айнан шу эҳ-тиёж нуктаи назаридан Тошкент Темир йўл транспор-ти институ-тининг ишчи факультетида ўқи-тувчи сифатида жалб қилинди. У фанни ўзи бевосита ўзлаштирган амалий кўникмалар билан боғ-лиқ ҳолда тушунтирарди, афсус-ки, кейинчалик айнан шу касбий устунлик ва мустақил ёндашув уни “ишончсиз кадр”га чиқарди.

Бу орада қаҳрамонимиз оила қуриб, қизи Сурайё дунёга кел-ди. Гўёки ҳаёти изига тушгандек эди. Аммо барчаси терс ўзгариб, яқин-яқингача юксак қадрланган касбий маҳорати, фикр ва таж-рибаси шубҳа остига олинди.



Муаллиф ботиний ва зоҳирий қиёс-ларини тадқиқотлари давомида қуйи-дагича баён этади: *“Асримиз аввалида Қозон матбаахоналарида босилган ва юртимиз зиёлилари орасида машҳур бўлган “Далойил ул-хайро” муаллифи Муҳаммад ибн Сулаймон Жазулий исмли кишидир. Китоб ёзилишининг қизқч бир тарихи ва уни ўқиш шарти ҳамда одоб-лари бор. Биринчидан, комил бир машо-ўйхдан изн лозим. Иккинчидан, уни ўқу-чи киши ёйиш-ичиш, савдо-сотик каби амалларда ҳаромдан ҳазар этиши керак. Учинчидан, ўзи ҳам, қийим-кечази ҳам пок бўлиб, уни ўқишда хатога йўл қўймасли-ги лозим. Тўртинчидан, тажвид (тўғри талаффуз) қоидаларига амал этиши ҳамда ўқилаётган дуо ва тасбеҳларнинг маъносини имкони борича билиши керак. Бизнингча, умуман, шунга ўхшаш барча талабларни Юсуфбек ҳожи комил бир инсон сифатида тўла-тўқис адо қил-*

“БИР ЎЧИБ СЎНИБ... ЯНА ЁНИШ БОР”

Ёш, билимли мутахассис ҳибсга олиниб, Германияда ўқиган йил-ларида гўё советларга қарши миллий ташкилотга аъзо бўлган-ликда айбланди.

Тергов материаллари шун-и кўрсатадики, Нусратуллаев даст-лабки сўроқларда бўйнига илин-ган барча айбни қатъий рад этган. Жумладан, 1937 йил 20 ноябрда ва 14 декабрда берган кўрсат-маларида советларга қарши ҳеч қандай жосуслик ташкилотига аъзо бўлмагани, ўлкага қайтиши пайтида бирон-бир махфий топ-шириқ олмаганини билдиради. 1937 йил 18 декабрдаги навбат-даги сўроқда эса терговчилар-нинг Германияни ёқлаб ташвиқот олиб боргани ҳақидаги дағдағали сўроқларига жавобан “Мен бун-и инкор этаман, советларга қарши ҳеч қандай ташвиқот олиб бор-маганман”, дея таъкидлайди.

Шундан тўрт кун ўтиб (ҳибсга олинганидан қарийб уч ой ўтгач), тергов тугатгани ҳақида прото-кол тузилади. Бироқ бу ҳужжат қаҳрамонимиз тақдирда бирор яхши ўзгариш ясамайди. Тер-гов якунланган бўлса-да, махбус озод қилинмай, иш очик қолдири-лади. Омонулла Нусратуллаев яна тўққиз ой давомида ҳеч бир қарору асоссиз, босимлар ости-да ҳибсда сақланади.

Ана шу узоқ сукутдан сўнг, 1938 йил 13 сентябрда ўтказил-ган кўшимча терговда у шу чоқ-қача қатъий рад этган жамики айбларни “тасдиқлаб” кўрсатма беради. Нусратуллаев гўё совет-ларга қарши “Озод Туркистон” номли ташкилот маъжудлиги, 1929 йили Германиядан ватанига қайтиш арафасида шу ташкилот-га аъзо бўлганини, шунингдек, бу ташкилотнинг мақсади Ўзбе-кистонда совет ҳокимиятини аф-дариш, уни СССРдан ажратиб, буржуа миллий давлатини барпо этишдан иборат эканини билди-ради. Германиядан қайтган ҳар бир талабага СССРга қарши, Германия манфаати учун жосус-лик фаолиятини олиб бориш топ-

ширилганига ҳам “икрор” бўлади.

Дастлабки терговда айбларни қатъий рад этган инсоннинг ке-йинчалик бутунлай бошқача кўр-сатма беришга мажбур бўлиши ўша давр тергов амалиётининг асл моҳиятини очиб беради. Бу жараёнда тергов олдиндан шакл-лан-тирилган қарорни расмий-лаштириш механизми сифатида ишлаган, холос.

Омонулла Нусратуллаевга қарши айбловлар фақат тергов баённомалари билан чекланиб қолмади. Таассуфки, тухматчи “гувоҳлар” ҳам топилди. Бирга ишлаган айрим ҳамкасблари уни Германияни мақтаганликда, со-вет тузумини танқид қилганликда айблаб чиқишди. Ҳибсдаги инсон учун бундай айбловларга жавоб бериш, ўзини ҳимоя қилиш имко-ни деярли мавжуд эмас эди. Тер-гов амалиётида эса айнан шун-дай “кўрсатмалар” ишни керакли йўналишга буриш учун асос бў-либ хизмат қиларди.

Уша йилларда қатагон кўла-ми қанчалар кенг бўлганини Омо-нулла Нусратуллаев билан боғ-лиқ оилавий мисол ҳам яққол кўрсатади. У қувё бўлган Зиёноҳ-ан эшон ва Нисабуви хонадонид-а Омонулланинг ўзидан ташқари яна икки қувё “халқ душмани” си-фатида ҳибсга олинган. Натижа-да, Себзор даҳасида истиқомат қилган бу хонадонда бир пайт-нинг ўзида уч қиз – Шоҳидаҳон, Ҳабибахон ва Тамбатхон қўл-ларида гўдак билан бева қолади. Уч бола тирик етимга айланади.

Архив ҳужжатлари билан иш-лаётган одамни баъзан бирги-на қоғоз ҳам ларзага солади. Омонулла Нусратуллаев ишида шундай икки ҳужжат борки, улар қатагон даврида инсон қадри қанчалар топталганини ҳеч қан-дай изоҳсиз очиб беради. Қизи Сурайё қўлида отасидан ёдгор-лик сифатида айнаи шу икки ҳуж-жатгина қолган эди.

Биринчиси, 1958 йил 28 ок-тябрда берилган ўлим гувоҳно-маси. Бироқ бу ҳужжатда ўлим

сабаби кўрсатилиши шарт бўл-ган жой бўш қолдирилган. Гувоҳ-номада ўлим сабабининг кўрсат-илмагани қатагон йилларига хос ҳужжат юритиш амалиёти билан боғлиқ ва бундай ҳолатлар реп-рессия қурбонлари ишларида тез-тез учрайди.

Иккинчи ҳужжат эса унинг гу-ноҳсиз эканини тасдиқловчи, кечиктириб чиқарилган оқлов қар-ори. Бу икки ҳужжатни ёнма-ён қўйиб ўқисак, қатагон моҳиятини англаш қийин эмас: инсон олди-нига йўқ қилинади, сўнгра йил-лар ўтиб унинг номигина “қайта-рилади”.

Қаҳрамонимиз тақдирига доир яна бир ҳужжат: рафиқа-си Тамбат Зиёхонованинг СССР Ҳарбий трибуналига йўллаган аризаси. Уни ўқирканмиз, аёл эрининг нима сабабдан қамал-ганини ҳануз билмаслигини ёза-ди, тирик ё ўлик эканини дарак-лайди, қаерда эканини бот-бот сўрайди. Аризага 1958 йил 18 август санаси билан имзо чекил-ган. Бу дегани, орадан йигирма бир йил ўтиб, тўрт ярим ойлик қолган қизи йигирма бир ёшга етган пайтда ҳам оила ўзи учун бирор аниқ жавоб ололмаган. Бу ҳолни фақат “давр фожиаси” деб қўйиш мумкин эмас, бу – инсон-ни жисман ва маънан йўқ қилиш сиёсати эди.

Шу чоғ шоир Чўлпоннинг қуйи-даги сатрлари хаёлдан ўтади:

*Йўқ, ўлим йўқдир!
Ёлғуз бир ўчиб,
Бир сўниш бордир!
Бир ўчиб сўниб...
яна ёниш бор.*

Академик Наим Каримов айт-моқчи, “Ватан ва халқ озодли-ги, бахт-саодати йўлида шаҳид кетган аждодларимиз учун ўлим йўқ. Уларнинг хотираси халқимиз ёдида ҳамиша яшайди”.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ИМТИҲОН ОЛДИДАГИ ОДАМ

ган. Акс ҳолда, дуолар, тасбеҳ ва сало-воглардан таркиб топган “Далойил”ни ўқишга Юсуфбек ҳожи жазм этган бў-лармиди?

Абдулла Қодирий бундай мўътабар китоблар кадр-қимматини яхши билган, албатта. Демак, китоб моҳияти ор-тидаги сир-синоатни, умуммоҳиятни ан-глаб олиш ўқувчи қўзи ўнида “Далойил” ўқиётган Юсуфбек ҳожи маънавий-руҳий дунёсининг янада бўртиб қўринишига сабаб бўлади. Чунончи, Абдулла Қодирий асарларида машҳур китоблар воситаси-да қаҳрамонларни етиштириш, ўша рамз ва ишоралар ёрдамида уларни тавсиф-лаш усули мавжуд эстетик ҳодисадир. Масалан, адибнинг Анвар ва Раънодек жиддий, Калвак Маҳзумга ўхшаш ҳажвий қаҳрамонлари дунёси ҳам китобларга дахлдор ҳолатда намён қилинади. “Ўт-қан кунлар”да эса Отабек “Бобурнома” ўқийди, Фузулийни варақлайди; Қумуш “Фузулий яхши китоб”, дейди. Юсуфбек ҳожи “Қуръон” ва “Далойил” мутолааси билан машғул бўлади. Бу сатрлар ўз-ўзи-дан битилмаган. Ақл ақлдан қувват ол-ган”.

Назарингиздан ўтган узун кўчирмамиз-дан мурод олимнинг Бобур Мирзо ва Аб-дулла Қодирий асарларини қиёсплашдаги меҳнати ва қийматини таъкид этишдир.

Профессор Баҳодир Каримов улуг турк-ман шоири ва мутаффакири Махтумқули туғилган заминда таваллуд топгани кўп-чиликка маълум. Шу боис, ҳазрат Алишер Навоий ва ҳазрат Махтумқули маънан унинг икки қўлини тутиб тургандай бўла-ди.

Мен таваллуд топган Нурота қишлоқ-ларида қадимдан боболаримиз Махтум-қулидан байт айтмаган кун бўлмас эди. Сафарқул бобомни қишлоғимизда ва теварак-атрофда ҳеч ким номи билан ту-

тиб қақирмас, “Эртақчи бобо” дейишарди. Қиш кунлари ҳамсоялару шинавандалар уйимизга тўпланиб, ярим кечаларгача бо-боннинг эртақларини тинглашарди. Бобом айрим эртақларини икки-уч кунлаб айтган-ларини хотирлайман. У ўзидан тўқиб, қў-шиб кетаверганини анча йиллардан кейин тушундим. Ҳамиша эртақларининг ниҳоя-си – гапнинг ўроли Махтумқулидан қуйида-ги байтлар билан якун топарди:

*Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз,
Маъракада ўтириб-туришин кўринг.
Биров билан ақин бўлай десангиз,
Авеал ваъдасида туришин кўринг.*

Баҳодир Каримнинг “Махтумқули – ин-соният шоири” рисоласини ҳар гал такрор ўқиганимда, болалигимдаги ўша йиллар, ўша тўғуллар ёдимга тушади.

Олимнинг тўғулари баркамоллигига Махтумқулининг руҳий нафаси сабаб бўл-са, ажаб эмас, деган ўйда юраман. Олим туғилган эли Тошховузда 2022 йили бўлиб ўтган ўзбек ва туркман халқлари дўстлик фестивалида дил таърифи тилига тушиб, қуйидаги байтини нафос билан ўқиган экан:

*“Махтумқули – исломият шоири,
Махтумқули – инсоният шоири”.*

Жуда ўринли таъриф! Зукко ва забардаст, айна пайтда ғоят меҳнаткаш ва камтарин олим азалдан илму урфони туташ қардош ўзбек ва туркман халқларининг илм имтиҳонлари-дан аъло баҳолар билан ўтиб келаётгани олиймақомидан далолатдир.

Суюндик МУСТАФО,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Нуриддин Маҳмудхўжаев – 1904 йили Бурчмулла қишлоғида туғилган. Миллати ўз-бек. Маргилон шаҳар партия қўмитаси коти-би, Ўзбекистон ССР Давлат режалаштириш қўмитаси раиси лавозимларида ишлаган. 1934 йилда Москва шаҳридаги Бутунитти-фоқ Режалаштириш академиясига ўқишга юборилган. “Миллий истиқлол” ташкилоти аъзолигида айбланиб, Ички ишлар халқ ко-миссарлиги ходимлари томонидан 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган.

Айблов хулосасида, халқ хўжалиги учун зарарли бўлган режаларни тасдиқлашда тўғридан-тўғри иштирок этганликда, Қиш-лоқ хўжалиги халқ комиссариати томонидан зарарли равишда қасддан камайтирилган режаларни тасдиқлаш орқали бир қанча хо-силдор ерларни яроқсиз ҳолга келтиргани қайд этилган. Тергов жараёнида чет эл раз-ведкалари фойдасига жосуслик қилган деб топилган.

У 1938 йил 4 октябрда СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясида Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 57-1, 63- ва 67-моддаларига кўра отувга ҳукм қи-линган. Жазо ўша куни ижро этилган.

Рустам Исломов – 1899 йили Тошкент шаҳрининг Тарновбоши маҳалласида та-валлуд топган. 1909 – 1917 йилларда хусу-сий дўконда ишлаган. “Шўрои ислом”, “Мил-лий иттиҳод” ташкилоти аъзоси. Ўзбекистон ССР Ер ишлари комиссари бўлган.

Тарихий ҳужжатларга кўра, у “Бу ерда Москва эмас биз хўжайин” деган, марказ та-лабини рад этган. “Ўнг троцкийчи” гуруҳ аъ-зоси деган тамға босилган. ЎзССР Халқ ко-миссарлари совети раиси Файзулла Хўжаев бош бўлган “Ўн сакизлар” гуруҳи аъзоси сифатида ЎзССР Жиноят кодексининг 57-, 58-, 63-, 64-, 67-моддалари билан айблов қўйилиб, СССР Олий суди ҳарбий колле-гиясининг Тошкентда 1938 йил 4 октябрдаги сайёр сессиясида 52 киши отувга ҳукм қи-линган. Ҳукм ўша куниёқ ижро этилган.

Турсунали Қаландаров – 1884 йилда Ленин райони Мозор қишлоғида туғилган. Қатагон даврида қулоққа тортилган. 1930 йилгача “Шўрои Исло” ташкилоти аъзоси бўлган. Ҳибсга олингунга қадар диний хиз-матчи, имом сифатида фаолият юритган. Доимий равишда аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, уруш ва ҳукуматдаги ўзгариш тўғрисида ташвиқот ишларини ўт-казганликда, СССРдаги очарчилик тўғриси-да миш-миш тарқатганликда айбланган. У 2814-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган.

Шаҳобиддин Турсунбоев – 1871 йили Наманган шаҳрида туғилган. Ҳибсга олин-ганга қадар имомлик қилган. “Шўрои Ис-лом”, “Муйнил Исло” ташкилоти аъзоси бўлган. Аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганлик-да айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагери-га ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 18 сентябрдан ҳисобланган.

Абдуҳаким Ҳотамов – 1883 йили Са-марқанд шаҳрида туғилган. “Шўрои Исло” ташкилотининг аъзоси бўлган. Дўкон муди-ри бўлиб ишлаётган пайтда ҳибсга олинган. Харидорлар орасида очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, озик-овқат маҳсулотларини сотишни атайин кечиктир-ганликда айбланган. 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 11 сентябрдан ҳисобланган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори
Нигорахон АКБАРОВА,
музей илмий ходимаси
(Давоми келгуси сонда).



ҲАЖВ

– Ия-ия, қўшни, бу котта ошда нимақиб юрибтилади? Овволги дучим бўганда сан жипирикқа бу додаҳўжа тўйхонада пишириб қўйибдим деган бўлардим-у, ҳозир замон кўтармади. Сани қайси хумбош мияси чайқалиб бу очилдастурхонга чақирақолди? Ё пасл чалкашиб, калта иштонла ошпаз-қалпоқ бўлкеттими? Ҳе, окасини укаси! Нима? Ким таклиф қилди? Йўғе? Ҳали бу ошга таклифноман-гам борми? Ёпирай! Кучу қайуга чиқибди-де! Қатта ишлавоссан ўзи? Яна битта қайтар! Шунақаям газета борми? “Даракчи”ни билардим, “Бекажон”ни кўрганман, “Саодат”га опоқим ёзиларди, “Муштум”ни тўчний варақлаганман, инжу расмла чиқарди. Бир марта шу ўзимизи Ғуломни ясаб чиқишган: бошида тўпписини теги семичка... ҳа, кунгабоқар дейсан, икки қатор ўн сўмлик, кулавериб Шукр полвонни белбоғидай буралиб қоппан.

Санлага давлат ойлик берадимми? Йўғе? Қанча? Вой брат-ей! Айтдим, кейинги пайтда жинси шиминг дэзмолланадиган бўлқолди. Манга қара, беганамассан, маҳалламсан, одам туси юқиб, талинканг қази кўриб қопти, битта яхшилик қисангчи. Иштатингда тижорат бўйича директирми, бизнес шефми, деган жойи йўми? Шессекундда Коболтингни Бивайди қилиб, ёғоч ступингни айланма креслага айлантирвораман. Ёлғони бўлса, бўйнимда Чуст пичок, жойим Тоштурмани пойгаги! Нима? “Аввалги ишингиз нима бўлди?” Қайси бирини айтасан? Ҳа энди, бургутни макони тоғ, мегажинники ботқоқ, деганини эшитгандирсан? Йўқ дейсанми? Ҳа, эссизгина варанка, юрибсан-да, нонни нанна, калишни ванна деб, кўнагингни орқасини тутамлаб тугиб...

Майли, санга кичкина мастер класс, ҳам газетангни гуллатворишимга ишонч бўлиш учун охириг тадбиркорлигини айтди. Очиғи, дўстан душман кўп, қадамингни пойлаган лайчалар Чиннибозордаги сополмушқудан кўп. Улмасанг, кўраверасан, укам.



ТИЛБИЛИМ



МАНҚУРТ

Чингиз Айтматовнинг “манқурт”ини ҳамма билади. Қадимда қулларнинг тақир бошига туянинг хом терисини қисиб қоплашган ва уларни жазирама офтоб тигида ўтиргизиб қўйишган, тери қуригач, қулнинг бошини қаттиқ қисган. Бу жазо мияни ишдан чиқариб, қулнинг хотирасини бутунлай ўлдирган.

Мен бу сўз хусусида тўхталишимга унинг туб маъносини билишдан ҳам аввал бошқа бир сабаб бор. “Кунтуғмиш” дostonида шундай жойи бор. Подшо Кунтуғмиш билан Холбекани қатл қилмоқчи бўлиб турганда вазир унга қуйидагича маслаҳат солади: “Эй, тақсир подшоҳим, осиб ўл-

дирдингиз – кўрдик, босиб ўлдиридингиз – кўрдик, тўпга солиб олдингиз – кўрдик. Бу беадабларга шундай жазо буюрамизки, бир туяни олиб келиб сўйсангиз, терисини тулуп қилиб олсангиз, хом териға икковини зич қилиб тиксангиз, бир асов байталнинг думига тақиб, чўл жазирага ҳайдаб юборсангиз, буларнинг ўлгини ғажир-қузғунлар еб кетса”. Шундан сўнг бахши воқеани шундай ҳикоя қилади: “Подшо буюриб, бир туя туяни тулуп қилиб сўйиб, Кунтуғмиш билан Холбекани зич қилиб, хом териға тақиб, дарвозадан чиқариб, бир асовнинг думига тақиб, бир чўл жазирага қаратиб, кўп одам чўлаб хурқитиб, ҳайдаб юборди. Асов байтал хурқиб, икковини судраб, чўлга улоқиб кетди. Байталнинг думи бир тол, ярим

тол узила-узила олти кун деганда тулуп бир ерда тушиб қолди. Хом тери офтобнинг ҳарорати билан қуриб, чунон қисдики, темирдай беркитди”.

Мен бу ўринда Айтматов ундай ёзган, Жуманбўлбулда мундай деб изоҳлаб ўтирмайман. Икки ҳолатни муқояса қилиб, ўқувчи ўзи хулосага келади. “Хом тери офтобнинг ҳарорати билан қуриб, чунон қисдики, темирдай беркитди” деган жумланинг ўзиёқ буюк Айтматовнинг туркий халқлар тарихий илдиэларини нечоғли яхши билганини далиллайди.

Энди манқурт сўзи туб маъноси ҳақида икки оғиз сўз. Википедияда қадимги туркий тилда “ақлсиз, пентак, ақлдан озган” маъносини билдирган *manqurt* сўзи ёки қозоқ тилидаги “ўзини бошқаролмаслик, ақлдан озиш, хотирасизлик” мазмунидagi мену сўзи ва “қуритилиан” маъносидagi курт сўзи манқурт сўзига асос бўлган деган тахмин айтилган.

Маҳмуд Кошғарийда мундуғ – аҳмоқ, мунди – ақлдан озди маъносида келган. “Ат-туҳфа” луғатида бефаҳмлик моҳ сўзи билан ифодаланган. Лекин булар манқурт сўзининг туб илдиэини тўлиқ далиллаш олмайди, фараз уйғотилади, холос.

Эшқобил ШУКУР

УКАМНИ ОКАСИ



Хуллас, бир куни худди бугунги ошга ўхшаган даврада ўтириб, атрофга мундо қарасам, зўр теша искамаган бизнес кўриб қолдим. Қанақа бизнес деб, сўрамайсанми? Мана, сан, ҳозир ичкарида бир соат қаппайиб ўтириб, ярим лаган лазер ошни

пўкиллаптиб, дўрдайган лабингни ёғлаб чиқдинг холос. Бошқа фойда-мойда топаннинг йўқ. Мани фантазиям хитойни лазер милтиғидан тез: шоҳона дастурхондан нақ иккитасини ит ҳам ҳидламади, биров устолга кетини тегизмади. Уволми? Увол! “Чарақ” этиб компьютерим ишлаб кеттию. Ўзимга ўзим бешни ташлаб, шу заҳоти натижага тойчоқни бурдим. Бизнес пайсални ёқтирмайди, майна хайкални, деган мақол бор, эшитгандирсан? Ҳа, ўла, юровур қоз попкани қўлтиқлаб, қайдан текин ошга қоз кепқоларкан деб. Узр-а... Анақа... Нободосига бирга-бирга ишлашиб қолсак, бунақа муомала қимийман, чўчима. Хурматинг жойида, қийматинг қоида бўлади. Ташла, ош еган қўлингни! Ҳа, окангни укаси!

Кейин-чи дейсанми? Ҳа, кейин срази ишга киришдим. Энг котта вачач меҳмонхона бор, отини айтиб бўмайди, ўшанга ғизилладим. Раҳбарини толиб, атай ўриччаладим, биласану, армияда нақ Дзамбулда хизматни урганмиз. Ия, нега илжасан, нима девоссан, кере бўса, уч ойда ўрисвойларингни “Анжан полка”га ўйнатиб, постовойни гўрн турбасини сурнай қилдирворганман.

Ҳа, ҳозир ўричча гапирсанг кўпчилик тушунмайди, и ҳурмат қилади, бир балоси бор деб ўйлайди. Хуллас, ҳалиги коттакан дарров режамга кўнди, фойдани белидан букадиган бўлдик. Мунча шошмасанг, шошган киз ўйлдошга, шошган йигит наҳорга ошга ёлчимийди, деганини эшитмаганмисан? Ҳа, кул, кул-а!

Хўп, кейин ҳалиги тўйхонага учдим. Тез-тез кўргани учунми, хўжайин тутинган божамдай илқ кўтиб олди, унга ўзимизни тилда лўнда қилиб ифодалаб қўяқолдим. Бирам хурсанд, баччагар! Бўлди, бугундан бошлаб қиёматли оқа-ука бўламиз дейди. Ия, ўзинг хом калланг билан... узр, бошингиз билан тафаккур қилинг: тўйхонага ҳаққа нонушта қилмасдан бурун, казо-казолар кўз олдида қаторлашиб хорижий меҳмонлар савлат пуркаб кириб

кевотти. Тўйхонага обрўми? Тўй эгасига-чи? Ҳа, ҳа, бошингизга баракалла! Анави турист жониворлар-чи? Улар танга топандай бахтли. Биринчидан, бизани тўйла уларга экзотика – томоша, иккинчидан, тонг сахарлаб хоҳлаганинча бўкиб еб-ич. Асосийси, эл-юртимиз хурмати ошадими? Анавилар тўйимизни, дастурхонни кўриб, булар ниҳо-о-ятда тўкин яшаркан, деб ўйлаб қоладими? Унинг устига меҳмондўст экан деб, қолган-қутган аймоқларини буёққа таклиф қиладимми: жаннатни филиалини топиб олдик, ёппа келавер, деб. Ана инвестиция! Ана савоб! Ана урф-одат! Бўғи озгина чойчақаям бор. Туристлардан бир чўким, тўйхонадан икки чўким, тўйчидан уч чўқимгина оламан. Ҳамма рози, ҳамма шод. Яна нима қибериё?

Йўқ, айтдим, ошхонада пазанда, тева-ракда газанда кўп. Қайси бир иппос шипшитганми, ё тасодифан палакат урдими, эндигина бизнесим учинчи йилга ўрмалаб, тўртинчи ўстаккамга унчаётган пайтим “пақ” этиб, мисим чиқди. Ман қайнағамга ишониб, тўй кимки деб сурштирмай, япон меҳмонларни “Баракасарой”га рўпара қиворибман. Ош бевотган котта ана шу саёҳатчиларни министрға куда экан. Бўлди жанжал, бўлди томоша! Сал қолди ўзим нарёққа “турист” бўлкеттишимга. Яхшиям аввалги гувоҳлар, сайёҳлар де-моқчиман, уй-уйига, така тўйига тарқаб, гумдон бўп кетган экан, савол-сўроққа қақришолмади. Чақиргандаям нима дерди? Ўзи умуман, буни нимаси жиноят? Тадбиркорлик шумасми, укам?

Ҳа, майли, бундаям бир ҳикмат борадир. Гап бундай, агар иштатинг бўлмаса, оч, йўқ бўлса, шартнома қил, газетингни Аддис-Абеба, Шимолий Бутангача ёйиб, обунасига ҳабашларни ўчирит қип ташайман! Мани биласану, узр, биласизу, хўжайин. Ёки, сира иложи бўлмаса, мана шу темани газетингизда кўтариб чиқинг, зора-мора тасаддуқларга ақл кириб, бизнесимизни ёруғ йўли очилиб кетса. Ахир, бизам савоб деб юрибмизу, ҳеч ким ўз шахсий қорнини, ички чўнчагини уйлавотгани йўғу, тушундингиз-а, ҳа, окангизни укахони!

Сухбатга гувоҳ:

Мулла ХУНОБ




ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

ҲЕЙ, ЛУИЗА!
МИЯНГИЗНИ
БОШҚАРИНГ!

Мактабингиз кутубхонасида шундай китоблар бўлса, олиб ташланг. Бу нима аҳмоқлик, ким бундай китобларни таржима қилиб тарқатяпти?

Шоҳида АРИПОВА

Фейсбук



Абдулла АЪЗАМ:

Таржима ва нашр қилганлар – зараркунанда.

Зухра ОЧИЛОВА:

Тавба. Бўлар-бўлмас китобларни ўқимаган маъқул. Шунақа бемаза китоблар ҳам инсон онгини бузувчи “вирус”. Ўзимизни шарқона ахлоқимизга оид китобларни чоп қилишни кўпайтириш лозим.

Авваллари бола ёшига қараб китоб мазмунни белгиланиб чоп этиларди. Ҳозир тайинсиз китоблар бизнес учун чоп қилинади, таржimoni фаросатлиси камайиб кетди чоғи.

Зикрилла МАМАТОВ:

Китобхонлик (савияли ва эстетик юксак китоб ўқишни назарда тутяпман) давлат сиёсати даражасига кўтарилган шу замонда бундай тутуриқсиз, беаъни тўқималарни, айниқса, болаларга тикиштириш маънавий кўпуровчиликдир. Бунга қарши жамият бирлашиб курашиши керак!



Бош муҳаррир:

Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир: Мухайё Рустамова

Адади – 18 541

Шундан:

Кирилл ёзувида – 6 527

Лотин ёзувида – 12 014

Медиа кузатувчилар – 78 508

Буюртма: Г – 139

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилми:

Тошкент шаҳри,

Шайхонтоҳур тумани,

Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ